

ТЕМУР ПАЛАТОВ



ДУШАН
ҚАЙСАРНИНГ
КЎРГАН-
КЕЧИРГАНЛАРИ

Тошкент

Ўзбекистон [REDACTED] Марказий [REDACTED]
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

1982



ЎЗБЕКИСТОН
МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



Таниқли ёзувчи Темур Пулатов 1978 йилда «Мулк», «Таъсирчан Алишо», «Қаипнинг иккинчи саёҳати», «Ўрмонда чорла мени» асарлари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати унво­нига сазовор бўлди.

ТЕМУР ПҮЛАТОВ



ДУШАН
ҚАЙСАРИНИҒ
КҮРГАН
КЕЧИРГАНЛАРИ

Yashwobod Qurilish kash...

3498

Дунёга янги инсон келди. У ким бўлиб етишади, ўз юрти, ўз элининг ҳаётида қандай муҳим роль ўйнайди? Романда ана шулар ҳақида мулоҳаза юритилади.

Муаллиф роман қаҳрамони — Душаннинг ҳаётида юз берган турли воқеа ва ҳодисалар орқали унинг жисмонан улғайиши, мустақил шахс сифатида маънавий қиёфа касб этиб, камол топиши ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади.

Русчадан Қодир Мирмуҳамедовнинг
эркин таржимаси.

70302—138
п 356 (04)—82 38—82 4702010000

© «Молодая гвардия», Москва, 1980

© «Еш гвардия» нашриёти, 1982, тарж.

Анна ва Александра



Биринчи китоб

БОЛАЛИК ҚУШИҒИ

Энг олдин у ўзи дунёга келган хонани, кейин ўз бешигини бир-бир кузатиб ўрганган эди, сўнг ҳовлини ҳам оздан кузатиб, ахийри уни ҳам ўзлаштирди, лекин бунинг учун хона ва бешикни ўрганишдан кўра хийла кўпроқ вақт кетди.

Ҳовлини у бешикка беланган чоғидаям кўриб ётарди: ҳар куни кечқурун намозгар пайтида деразаларнинг дарпардалари, гуё дарахтлар учидан тушиб, чор бурчак ясси ғиштлар ётқизилган ҳовли саҳнига ина бошлаган оромбахш салқинни чўчитиб юборишдан қўрққандай, товуш чиқармай оҳиста икки ёққа суриларди — шунда у акаси Омоннинг ҳовли саҳнида чопқиллаб ўйнаб юрганини кўрарди. Эрталаб, у уйғонадиган пайтга бориб, офтобда оҳорни тукилган вазмин дарпардалар хона ичини офтобдан тўсиш учун яна ёпиб қўйиларди, шунинг учун ҳам узундан-узун ёз кунлари деразаларга муттасил қадалиб оладиган қуёшнинг ўткир шуъласи қизил духоба пардаларнинг офтобда туси айниган ерларида кўзни қамаштирувчи сариқ доғ ҳосил қилган эди.

Лекин ойда бир марта бутун хона бирдан нурга тўлиб, шу қадар чароғон бўлиб кетардики, натижада атрофдаги барча буюм ва анжомлар ўз қиёфасини йўқотиб қўярди, чунки бу пайтда ҳар био деразадаги қизил қўш дарпарда олиниб, ҳовлининг у бошидан-бу бошига тортилган арқонга осиларди, шунда у акаси Омоннинг бу дарпардаларчангини жидду жаҳд билан қоқишини томоша қилиб ётарди. Бу маҳал онаси билан бувиси деразаларга бошқа дарпардаларни оса бошлашарди; аммо бу дарпардаларнинг ҳам офтобда сарғайган доғлари ҳозир ҳовлига осилган дарпардалардаги доғларга жуда ўхшаб кетарди. Негаки қуёш оппоқ оқланган баланд пахса девор оша, ўнг томони очилиб қолган ток сўриси ва соя солиб турсин учун атайлаб дераза олдида қўйилган ёғоч пақирдаги самбитгул орасидан (шўрлик гул жазирама офтоб таптидан барглари сийраклашиб, сўлинқираб қолган эди) бу хонага мўраларқан, уззу кун бир меъёрда ва бир ерга шуъла сочарди...

Қисқа вақт давом этувчи бу жиҳоз алмашуви туфайли юз берадиган янгилик — хонанинг чарақлаб ёриб кетиши ва чақалоққа яқин кишиларнинг дераза олдида ғивирсиб юриши — уни жудаям суюнтириб юборарди, аммо бундай воқеалар онда-сонда бир бўлиб, тез ниҳоясига етардики, гўдак уларни ўзлаштиришга улгуролмай, яна эринчоқлик оғушига тушиб, янгилик юз беришини сабр-бардош билан

кута бошларди, натижада бутун ҳаёт унга тоабод ўзгар-
майдигандек бўлиб туюларди.

Бу ҳиссиёт бешигининг гаврапуши ёпиб қўйилганида
яна ҳам зўраярди, чунки у уйқудан уйғонган чоғда хона-
да ҳеч ким бўлмасаю ҳеч ким унинг юзини очмаса, у мана
шу гаврапушни кўздан кечириб ётар, шунда бутун хона то-
райиб, бешикдаккина бўлиб қолгандай ва деразанинг кун-
гурадор қопқалари шундоққина кўзининг олдига келиб
қолгандай туюларди, негаки гаврапуш ҳам дераза дарпар-
далари сингари қизил духобадан тикилган эди, эҳтимол,
дарпарда билан гаврапуш унинг бешик тўйида келган бит-
та сарподан бичилгандир. Шундай пайтларда у нафаси
қайтиб кетаётганини, бу тор маконда кўнгли беҳузур бў-
лаётганини сезарди. Бу ҳол то онаси ё бувиси келиб, бо-
лам ухлаб ётган бўлса, яна уйғотиб юбормай, деб гавра-
пушни аста-секин очгунга қадар давом этарди; лекин улар
боланинг аллақачон уйғониб, йиғламасдан, типирламас-
дан жимгина ётганини кўришиб, унинг сабр-бардошига
ҳайрон қолишар ва уни ширин-ширин сўзлар айтиб эрка-
лашаркан, Душанжон деб қайта-қайта исмини такрорла-
шарди, тағи ҳўл бўлмадимикин, деб ҳаммаёғини пайпас-
лаб кўришарди.

У эндиликда оти Душан эканлигини биларди ва ҳар
сафар оти тилга олинганда, албатта бундан кейин эрка-
лаш, мақтов ё танбеҳ сўзи айтилишини тушунар, чунки ун-
га қўйилган бу от кўпроқ бошқаларнинг унга муносабати-
ни билдириш учун, худди уни офтобдан пана қилиб турув-
чи дарпарда ёки ўзи ухлайдиган ва жонига тегиб кетган
бешик сингари ғойибдан келган бегона нарсасдек туюларди.

Гаврапушнинг бир чеккаси очилган заҳоти чақалоқ-
нинг кўзи деразага тушар, шунда у атрофидаги муҳитнинг
кенгайганини, хонанинг ўнг девори тагида турган бешиги
билан дераза ўртасида хийла катта жой пайдо бўлганини
мамнуният билан ҳис қилар эдики, бу жойда энди онаси,
бувиси, отаси ё акаси ўтириши, ё уёқдан-буёққа юриши
мумкин эди; акаси-ку доим Душаннинг юзини очишлари
билан чопқиллаб кириб келар, укасига афтини бужмай-
тирар, кулиб бир нималар дерди-да, яна офтобда мисдай
қизиб ётган ҳовлига зинғиллаганча чиқиб кетарди — у ер-
даги ҳар бир нарса унга таниш, ҳамма нарса унинг мулки
эди.

Душаннинг бешигини ҳовлига фақат кеч кириб, офтоб
қайтган пайтлардагина олиб чиқишса ҳам, у кундузлари
ҳовлининг жазирама иссиқ бўлишини энди тушунарди; уни
ҳовлига олиб чиқишган пайтда, отаси шимининг почалари-

ни тиззасигача ҳимариб олиб, жиддий қиёфада, гуё ором-бахш салқин тушишига ҳеч кўзи етмаётгандай қовоқларини уйиб, ҳовлига сув сепарди, лекин шакароб қилиб сепилган сув томчилари қизиб ётган ғиштар сатҳига теккан заҳоти буғлана бошлар, отаси бўлса ердан кўтарилган буғга бошдан-оёқ бурканиб, гуё ердан оёқлари узилиб ҳавода муаллақ юргандай туюларди — бу манзара гудакка ҳамиша хушёқарди.

Омон эса челақни лим-лим тўлдириб отасига сув ташир, бушаган челақни олиб ғириллаганча ҳовлининг уртасидаги қудуқ бошига югураркан, оғзи ва бурнига кирган буғдан аксиргудай бўлиб афтини бужмайтирар эди. Душан бешикда шуларнинг ҳаммасини кўриб ётаркан, уларнинг қандайдир муҳим аҳамиятга эга бўлган иш билан банд эканлигини тушунарди, гуё кеч кириб қоронғи тушиши, ундан кейин тун бошланиши ёки шу жазирама куннинг тапти пасаймай шундайлигича қолавериши дадаси билан акасининг тиришқоқлигига боғлиқдай туюларди.

Ердан кўтарилган ҳовур самбитгулнинг новдалари ора-лаб ўтаркан, унинг гуллари исини очиқ дераза орқали хонага олиб кирар ва бешик устида парвона бўлиб, гудакнинг юзига иссиқ уфуриб уни терлатарди, бола шунда заифлашиб чекинаётган иссиқ ҳарорат кучини ҳис қиларди.

Ҳовлига сув сепишаётган пайтда баҳайбат, гумбаздай бувиси шанғиллаб дам-бадам хонага кириб-чиқиб турар, елпиғичи билан тўхтовсиз елпинганча, деразадан ташқарига қарарди.

— Уфф, ортиқ тоқат қилолмайман, нафасим қайтиб кетяпти! — Унинг елпиғичи сандал дарахтидан ясалган бўлиб, ёйганида яшил ранг қушнинг ва нилуфар гулининг сурати пайдо бўларди.

— Ё қудратингдан, биронта барг ҳам қилт этмайди-я, агар яқин орада шамол турмаса, шу кечасиёқ иссиққа чи-долмай ўлиб қоламан, — дерди у қўлидаги елпиғичини бир буклаб, бир ёйиб, гудак эса бувисининг безовта ҳаракатини кузатиб ётаркан, сандал елпиғич сатҳида яна сурат пайдо бўлишини кутар, шундан кейин елпиғич сатҳидаги кўравериш кўзи ўрганиб қолган манзарани маҳлиё бўлиб томоша қиларди.

Кўпинча бувиси питрак ва тинимсиз набирасини овутиш мақсадида елпиғичини унинг қўлига тутқазиб қўярди, оқибат елпиғичдаги сурат — жонсиз тасвир, елпиғичнинг ўзи эса — унинг учун ҳамиша нақд ўйинчоқ бўлганлигидан уз жозибасини тобора кўпроқ йўқота борарди, фақат ун-

дан анқиб турувчи долчин, мушк ва нил буёғининг ҳиди (бувиси елпиғичини қулфи музика чалиб очиладиган, устида мис тасмалари бор қутида, зираворлар солинган қутича ёнида сақларди) бир ҳилда ўткир бўлиб, ҳамиша димоқни қитиқларди.

Ҳовлида ғивирсиб юрган дадаси нима иш қилсаям бари бир бувисига ёқмаслигини энди у тушунарди, ҳаттоки агар дадаси бувисининг кўнглини овлаш учун шамол турғизиб, кампирни бугун тунда ўлиб қолишдан халос этган тақдирда ҳам, бувиси бари бир тинчимаган бўларди, чунки куёви анчадан бери аллақайси жиҳати билан унинг дидига ўтирмай қолган эди.

Дадаси қайнонасининг ўзидан норози эканлигини ҳозир ҳам сезмаётгандай кўринарди, шунинг учун, бу ҳолни пайқаган бувиси Душанни бешикдан ечиб олиш учун дераза олдидан узоқлашди.

— Илло сен... сен бизни насабдансан,— дерди бувиси қовжираган кафти билан набирасининг пешонасини силаб, сўнг шу кафтини ўпаркан.— Хушфазилат, латиф бола, сен отангга сираям ўхшамайсан, отанг майёнат, гуноҳ бандаси... Вой бувижонига кулиб боққан шу чиройли кўзларингга гиргиттон бўлай...

Бувиси бу узундан-узон гапи билан ундан жавоб кутар, буни энди Душан тушунарди, негаки у гап билан аллани, бақирӣқ билан қўшиқни бир-биридан фарқ қиладиган бўлиб қолган, гапдан ҳам, сукутдан ҳам жавоб туғилишини энди биларди, шунга кўра, у ҳам бувисига жавобан бир нималар дерди ва айни пайтда ўз гапининг катталарнинг гапига сира ўхшамаслигини, у гаплар бировлардан эшитилган, ўрганилган даққи гап эмас, балки шахсан ўзининг гапи эканлигини сезарди ва ниҳоят у катталарнинг ҳаммасини бир-бирига ўхшатиб қўювчи ва ҳаммаларини гуё бир хил гапларни такрорлаётгандай қилиб кўрсатувчи ўша қуруқ ёд олинган сўзлардан кўра ўзининг сўзлари билан кўпроқ фикрни ифодалай олишини ҳам биларди.

Энди у бешикдан ечиб олинган ва онасининг кенг каравотида (у шу каравотда дунёга келган эди) оёқ-қўлини ёйиб, роҳат қилиб ётарди.

Бешикдан ечиб олишаётганда у бувисининг қўлини ҳис қилмас эди, чунки бувисининг безовта ҳаракатига кўникиб қолган эди, аммо бешикдан ечиб олиш таомилининг бутун тафсилотини бардош бериб кутар ва ҳис этар эди.

Бешик унинг миясида энг биринчи ва энг кучли таъқиқни — бирон ҳаракат қилиш, уёқ-буёққа ағдарилиш таъқиқини вужудга келтирди, бувиси уни бешикка чалқанча

ётқизиб, оёқ-қўлидан маҳкам ушлаб турар, онаси эса, унинг узатилган оёғини ва ёнига туширилган қўлини бири энли, бири энсизроқ қўлбоғ билан сириб боғларди, яна бешик тебратилган пайтда боланинг боши уёқ-буёққа чайқалмасин учун икки юзи яқинига ўша кўнгилга теккан духобадан жилд кийдирилган иккита тахтакач қўйишарди, сўнг гаврапўшни ёпиб, бешикни тебрата бошлашарди; у анча вақтгача бу мажбурий уйқуга қаршилиқ кўрсатар, бешикнинг ёйсимон оёқлари ғижирлаб тобора қаттиқроқ тебранар, шунда боланинг боши айланиб, олдинига енгил, ҳаттоки ҳузур бағишлаётгандай бўлар, лекин кейин малол келгудек тўхтовсиз айланиб, ниҳоят уни азобдан халос этарди — ухлаб кетарди.

Дастлабки дақиқаларда, у тушида ўрнидан қўзғалиб, ўгирилмоқчи бўлади, шунда кўзи кетдимикин, деб гаврапўшнинг бир чеккасини қия очиб мўралаган бувиси онасига пичирлайди:

— Ухлаб кетди... Тушида учаётган бўлса керак...

Дарҳақиқат, ҳадеб тебранавериш оқибатида ухлаб кетган гўдак ўзи ҳеч қачон кўрмаган, мутлақо кутилмаган жойлар устидан — баланд қоя ёки поёнсиз дашт узра учаётгандай тасаввур қиларди ўзини. Буларнинг ҳаммасини худди бир замонлар бобокалони қандай бошидан кечирган бўлса, у ҳам шундай аниқ кўрарди; Душаннинг бобокалони туя миниб Чули маликни кесиб ўтган бўлса, унинг бу сафардан олган таассуроти чақалоқ эваранинг онгида мисоли бир тажрибадек гавдаланарди — уйқудаги Душаннинг кўзи олдида унинг аجدодлари ўтмиши шу йўсинда қайта-қайта такрорланарди...

У ғоз-ғоз турадиган ва хонани ўргана бошлаган пайтда, бешикка беланиш жуда малол келадиган бўлиб қолган эди. У чақалоқлик пайтида ўз гавдасини яхши тута олмаганлиги учун кўпроқ ерда ётишга мажбур бўларди, онаси ё отаси уни қўлига кўтарган дақиқаларгина истисно эди бундан. Бешикка белаб, оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб қўйишларига у илгари зўрға бардош берарди, лекин энди атак-чечак қилиб юра бошлаган пайтда ва шу қадам қўйишнинг ўзи озодликка чиқишнинг энг хушбахт дамлари ҳисобланганда эса уни яна мажбуран бешикка беладилар, чамаси то бешикка сиғмайдиган бўлиб қолгунича уни белаёверадиганга ўхшашади. Бешикка сиғмай қолгандан кейин эса унинг антиқа тушларга тўла тунги дунёси бешикдан болалар каравотига кўчади.

Ўша каравотча ҳозирдан девор орқасидаги оралиқ хонага олиб келиб қўйилган, лекин Душанни у хонага сира

кўтариб киришмас, фақат битта-яримта одам, бирон нима олгани қўлида чироқ билан кириб (у хонага электр ўтказилмаган эди, бу ҳол унга бўлган қизиқишни яна ҳам кучайтирар эди), қора парда тутилган ойнавонли эшикни бир зумга ланг очганидагина, чироқнинг хирагина шуъласи ўша каравотчани бирпасгина ёритганини кўриб суюниб кетар ва сабрсизлик билан унга талпинарди.

Мана у қўрқа-писа, атак-чечак қилиб юрадиган ҳам бўлди, шундан кейин ўзи туғилган хонанинг унга қизиғи қолмади. Энди у ёғочдан жимжимадор қилиб ўйиб ишланган ва ранг-баранг қуббалар ёпиштирилган шифтга лоқайд қарайдиган бўлиб қолганди.

Шуниси қизиқки, шифтдаги қуббалар кундузи дераза дарпардалари ёпилиб хона ғира-шира қоронғи бўлган пайтда ранг-баранг бўлиб кўринар, лекин кечқурунлари, электр лампочкаси ёқилиши билан, бўёқлар хиралашиб, ўз жилосини, нафосатини йўқотарди. Бу бўёқларнинг таркиби гуё сеҳрли эди, зеро улар кундуз кунни порлаб кўзни қувонтирса, кеч кириб қоронғи тушганда дилга таскин берувчи мулойим тус касб этарди, бинобарин, шифтнинг рангига қараб, худди соатга қарагандай, вақтнинг қандай ўтиб бораётганини осонгина кузатиш мумкин эди.

Вақт эса, гўдакка деярли мутлақо таъсир этмай ўтиб борарди, фақат унинг фаолиятини: уйқуси ва уйғониши, овқатланиши ва ўйини, йиғиси ва яна ухлаб кетишини ўзида акс эттириб ўтиб борарди, холос — у ёруғ дунёга келган дамдан бошлаб вақти тўхтовсиз ғувиллаб ўта бошлаган эдики, бир кун келиб вақт ўзининг бутун узунлигини, ундан кейин эса, думини кўрсатиб, тутқич бермай мангу ғойиб бўлиши керак эди...

Лекин ҳозир, бола кўз очиб кўрган бу хонада вақт тақа-тақ тўхтаб қолгандай туюларди: атрофдаги буюмларнинг қимир этмаслиги; бурчакка ўрнатилган думалоқ қора печь (яқинда унга газ ўтказишган бўлиб, ўтган қиш бўйи унинг очиқ оғзидаги шохга ўхшаб қайрилган темир найдан вориллаб чиқиб турган олов Душанга ҳузур бағишларди); онаси ётадиган оқ каравот (кун бўйи тиним билмай чарчаган она кечқурун: «Худога шукур, бу кун ҳам ўтди, ишқилиб кечаси уйғониб, ҳархаша қилмасинда...» — деб, оёғини узатиб ётиши билан у ғижирлаб кетарди); унинг бешиги (ҳатто уни баъзида ташқарига олиб чиқишса ҳам, лекин ҳар гал яна ўз ўрнига — юмшоқ кўрпача устига олиб келиб қўярдилар); уйга кираверишда эшик ёнида деворга қапишиб турган, эскирганидан локи унниқиб кетган, эшиклари ғашни келтиргудек ғижирлаб

очиладиган, лекин ён деворига тоғ такасининг тўртта шо-
хи қоқилиб, уларга дадасининг шляпаси, сочиқ ё эшикдан
кираётган елвизакдан хиёлгина тебраниб турувчи шар, яна
бир тутам қуриган исириқ осиб қўйилган шкаф — ўзининг
ўзгармаслиги ва муқимлиги билан вақтнинг мангу тўхтаб
қолганини ифодаловчи далиллар мана шу буюмлар эдики,
Душан буларни кўравериб, кўзи кўникиб қолган эди.

Энди бу хонада ўзининг мавҳумлиги билан гўдакнинг
диққатини тортиб турган фақат битта нарсa қолган эди, у
ҳам бўлса қулфи музика чалиб очиладиган қути бўлиб,
унинг ҳам доимий ўрни бор эди — у онасининг каравоти
тагида турарди.

Қутини аҳён-аҳёнда бир очишарди, каттакон калитни
қулфнинг бурнига тиқиб, беш ё олти марта бурашарди,
калитни бурай бошлаш билан музика чалина бошлар ва
тобора авжга чиқиб, охирида яна пасайиб бир нима «тақ»
этарди, шунда қутининг кумуш қопланган қопқоғи ўз-ўзи-
дан кутарилиб, унинг ичидаги иккинчи қопқоқ устига те-
рилган нарсалар кўзга ташланарди.

Бу ерда ҳар хил нарсa — бувисининг яна битта кўзой-
наги, зираворлар солинган қутича, қоғозлар, конфетлар,
аралаш-қуралаш бўлиб ётарди. Тўғри, қоғоз билан кон-
фетлар хонтахта устида ҳам бемалол сочилиб ётар ва
уларни қўл чўзиб олиш мумкин эди, лекин боланинг диқ-
қатини анави қути ичида ётган қўл теккизиб бўлмайдиган-
лари ўзига тортар ва васвасага соларди. Зероки, у хона-
даги энг охирги мавҳум нарсa — қутини ҳам тезроқ ўрга-
ниб чиқишга шошиларди, ана шундан кейингина у анави
оралиқ хонага ё бўлмаса ҳовлига чиқишга уриниши мум-
кин эди.

Лекин негадир уни қутига ҳеч яқин йўлатишмасди. Қу-
тини асосан бувиси, онда-сонда онаси очарди. Омон би-
лан дадаси эса, қутининг калитини, Душан учун эрк жум-
боғи бўлиб туюлган ўша каттакон калитни ҳатто қўллари-
га ҳам олмасдилар чоғи.

Ҳамма учун даққи бўлиб қолган ва ҳар бири ўз ўрни-
да қимир этмай турган бу буюмларга катта ёшдаги оила
аъзоларининг қандай муносабатда бўлишларини кузатиш
унинг учун қизиқарли эди. Лекин у мана шу буюмлар би-
лан одамлар ўртасида ҳеч қандай муносабатни кўрмасди.
Тўғри, баъзида улар ўша анжом ва ашёларга қўл уриб
қўйишар, латта билан чангларини артишар, супуришар,
йиғиштиришарди, бироқ аксар пайт уларнинг ёнидан бе-
парво ўтиб кетишарди, чунки уларнинг бу буюмларга қи-
зиксиниб қараш пайти аллақачон ўтиб кетган эди. Энди

бу буюмлар фақат Душанни ўзига ром қила олиши мумкин эди; башарти ўша буюмлар билан яқиндан танишиш имкони берилгудек бўлса, у аввалига ўзида пича эркинлик ҳис қилиб, уларни ўрганишга киришар, бироқ бу ўрганиш жараёни ниҳоясига етгач, шу буюмларнинг ўзи гўдакнинг бошқа янги нарсаларни ўзлаштиришига ғов бўла бошларди.

Унинг ҳаётига озми-купми хилма-хиллик киритиб турган нарса — уй эшиги билан деразалар эди. Токчаларни пастаккина, тепаси шифтгача бориб тиралган иккита баланд бўйли дераза тўғри ҳовлига очиларди, кечқурунлари зир югуриб ҳовлига сув сепган акаси, бувисининг «ҳай-ҳай»лашига ҳам қарамай, яланг оёқлари билан шу деразадан сакраб уйга, Душаннинг олдига кирарди. Қишда бу деразалар совуқ кирмасин учун кечасига сиртдан қопқа билан беркитиларди, ана шунда, баъзан эрталаблари қопқаларни очиш хийла қийинлашарди — чунки уй ичида ухлаб ётганлар қўйнига ғувиллаб киришга уринган совуқ шамол гупиллаб ёққан қалин қорни шу деразалар остига учириб келиб уйиб ташларди; шундай пайтларда эрталаб отасининг ҳовлига чиқиб, қорни кураб ташлаб, қопқани очишини ҳаммалари кутиб ётишарди. Душан отасининг оёғи остида қорнинг ғижирлаганини, куракнинг қорга ғарчиллаб ботишини эшитиб ётаркан, назарида бу овозлар девор орқасидан, ҳовлидан эмас, балки жуда олис ердан эшитилаётгандай бўлиб туюларди. Ниҳоят қопқалар очилар, шунда акаси Омон, кўзлари оппоқ қордан қамашиб, ҳовлига маҳлиё бўлиб тикилиб қолар ва икки гапнинг бирида ҳиқиллаб ҳовлига чиқаман деб хархаша қилаверарди.

Мана шу қўш дераза билан эшик ҳанузгача ҳар очишиб-ёпилганида бирон янгиликни намоён қилиб туришар, уларнинг ҳаракатга келишининг ўзи бўлғуси янгиликдан дарак бераётгандай туюларди; эшик очилган пайтларда уйга унинг хешлари кириб келишар ва биринчи навбатда гўдакка гап қотиб, уни эркалай бошлардилар; баъзида бегона одамлар, меҳмонлар ҳам келишарди. Уларнинг келиши ҳам бу хонанинг умумий муҳитида қандайдир ўзгариш ҳосил қилар эди — узоққа чўзилган чойхўрлик, пичирлаб гапиришлар, ҳавонинг иссиқлигидан зорланиб, елпинишлар — буларнинг ҳаммасида у қандайдир сирли маъно, мавҳумлик борлигини сезардики, натижада ўша ўзи фараз қилган мавҳумлик сирини тезроқ англаб олишга талпинарди, негаки у пайтларда гўдак ҳали барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг ўзини ҳимоя қилувчи пардага эга-

лигини, электр ўтказилмаган оралиқ хонанинг ёки қулфи музика чалиб очиладиган қутининг қандайдир хаёлий пардага ўралганлигини билмас эди.

Ўзи қўл теккизиб кўрган, ё икир-чикиригача синчиклаб кўздан кечирган, чунончи газ билан ёнадиган қора печка сингари нарсалар энди уни чўчитмасди, бироқ ўзи ҳеч қачон кўрмагану мавжудлиги ҳақида катталарнинг суҳбатларидан билган нарсалар унга қўрқинчли бўлиб туюларди. Тўғри, баъзида қоронғи пайтларда, шкаф биронта автомобилнинг тор кўчадан гувиллаб ўтиши натижасида, дабдурустан ғижирлаб кетиб, худди бир вақтлардагидек яна уни қўрқитиб юборар эди. Шунда қилт этмай қотиб турган ўлик шкафга гўё бирдан жон киргандай бўлар, унинг мана шу хуфиёна тирилувчи сирли ва ғайритавсиф хислати гўдакни қаттиқ чўчитарди.

Лекин у: «ғижирлаган нарса — шкаф» деб ўқтирарди ўзига-ўзи ва шу сўзларни айтган заҳоти, дарҳол кўнгли таскин топарди, негаки, катталарнинг шкаф билан қандай муомала қилишини, унинг эшикларини қандай қарсиллатиб ёпишларини, у, яъни эски, аянчли ва гўнғ шкаф эса, ҳаттоки ҳаммаёғини чанг босиб кетган чоғларда ҳам чурқ этмай туришини кўрган ва билар эди. У энди буюмларни номларига қараб бир-биридан фарқ қила олар, айрим сўзларнинг талаффуз этилган заҳоти кўнглига таскин беришини, бошқа бир хил сўзлар эса, чўчитишини, яна айримлари мутлақо сирли жаранглашини, бинобарин, буюмларнинг қиёфаси ва моҳияти айнан мана шу сўзлар эканлигини ҳис эта оларди.

Тўғри, у ўша чоғлардаёқ сўзларнинг катталар учун бошқача маъно билдиришини биларди. Кўпинча у битта нарсани ёки битта одамни ҳар хил ном билан аташганини эшитарди, масалан, Душаннинг ўзини ҳам тожикча гапирувчи бувиси бир ном билан атаса, дадаси қишлоқдан келган буваси билан ўзбекча гаплашган пайтларда бошқача ном билан атарди.

Дадаси билан буваси бувисининг олдида ўзбек тилида фақат пичирлашиб гаплашишарди, гаплашишгандаям, гўё бир нимадан кўнгиллари ғашдек гапиришарди, лекин ўз-ара гаплашиб бўлишгач, Душанни тожик тилида ширин сўзлар билан эркалай бошлардилар, унинг пешонасидан, юзидан ўпардилар, кулишардилар.

Лекин шундай сўзлар бор эдики, улар иккала тилда ҳам бир хил талаффуз қилиниб, бир хил маънони билдиради — «ойи (оя), дада, ака, буви (биби)», яна унинг исми ҳам — буларнинг ҳаммаси унга яқин, бошқа сўзларга нис-

батан жудаям яқин сўзлар эди, аммо бунақа сўзлар кам эди ва айнан шу сўзлар сирли парда билан бурканган эдилар. Нега энди уларни бир хилда талаффуз қилишар экан? Бунга сабаб. уларнинг ҳамиша фақат яхши маъно билдиргани ва бировларни чўчитиб, бировларни юпатувчи икки хил хусусиятга эга бўлмаганлиги эмасмикин? Ундан кейин, нега бундай сўзлар жуда кам экан? Барча қўрқинчли ва мавҳум маъноли сўзлар алоҳида-алоҳида эмас, балки сўзлар таркибида омихта бўлиб яшагани учун шундай эмасмикин? Зеро уларни тилга олган заҳотинг қўрқинч туйғуси пайдо бўлади, гунг бўлиб у сўзларни тилга олмасанг — ҳеч қандай қўрқинч вужудга келмайди — балки шу сабабли ҳам бир хил айтилиб, бир хил маъно билдирувчи яхши сўзлар камчилдир?

Балки шунинг учун ҳам, аллақачон ўзи тенги болалар чуғурлашиб гапира бошлашганига қарамай, ҳамон унинг тили чиқмагандир, у фақат аҳён-аҳёнда, ҳоли-жонига қўйишмай ҳадеб уни гапга солишаверганда зўр-базўр бир печта сўзни айтардики, улар иккала тилда ҳам бир хилда талаффуз этиладиган ўша «айя», «дадда», «акка», «бувви» сўзлари эди. Бу билан у, ўзи айтган сўзларни тўғри тушунишларига, айни пайтда, купинча ўзбекча гапурвчи дадасининг ҳам бу сўзлардан ранжимаслигига, чўчимаслигига ва мамнун бўлишига ишонарди.

— Вой, нима қилсак бўларкин-а буни? — дерди онаси. — Йўқ, етар, шунча кутганимиз! Докторга кўрсатмасак бўлмайди энди!

— Ахир ўзинг дўхтирсан, тушунишинг керак: боладан болани фарқи бор, биттаси вақтли тилга кирса, бошқаси кечикиб гапиради. Чамамда, ҳамма бало унинг олдида шанғиллаб гапирганимизда, — деб уқтирарди бувиси. — Ундан кейин, болам шўрлик ҳадеб икки хил тилдаги гапларни эшитавериб мияси ғовлаб кетган. Унинг сут билан кирган она тилиси — тожик тили, биринчи навбатда у фақат шу тилда гапиришни ўрганиши керак...

— Йўқ, у зеҳнли, қувноқ бола. Ундан кейин, кам касал бўлади, — деб онаси ўзига-ўзи таскин берарди-ю, шу билан ўртада бошланган суҳбатга хотима ясаларди.

Боланинг дадаси ҳам врач эди, аммо у сабр-бардошлироқ ва вазмин табиат одам эди.

— Аниқ биламан, ўғлимизнинг тилида ҳеч қанақа иллат йўқ... фақат сабр қилиш керак, холос... Ундан кейин, — дерди у қайнонаси томонга киноявий нигоҳ ташлаб қўйиб, — ўзбек тилиниям билса зиён қилмайди...

— Ахир олдин битта тилни ўрганиб олсин, кейин, май-

ли, бошқасиниям ўрганаверади,— деб гижиниб жавоб қиларди бувиси, сўнг Душан томонга энгашиб (бу пайтда у энди кўрпачада ўтирадиган бўлган эди), «Тўтинома»дан ибратли ҳикоятларни қайта-қайта ҳикоя қилардики, ҳар куни кечқурун салқин тушиши билан ҳовлидаги каравотда бошланадиган бу ҳикояхонлик худди Душан сингари тили йўқ бўлса ҳам ўлгудек маҳмадона донишманд Тўти тилидан баён қилинарди... Душан эшитган дастлабки эртаклар шу «Тўтинома» эртаклари эди, бироқ бу эртаклар уни ҳайратга солиш, унга ҳузур бағишлаш ўрнига, ўзининг узундан-узоқлиги билан болани толиқтирарди, шунга кўра, у бир кун келиб мен ҳам шу Тўтига ўхшаб гапиришга ўргансам, ҳадеб маҳмадоналик қилиб, бемаъни гапларни жаврайверсам керак, деб кўнглидан ўтказар ва шу гумонидан ўзи хавотирланарди, негаки Тўтининг ибратли сўзлари унга бемаъниликдек бўлиб туюларди — ахир у ҳали ибратли ҳикояларнинг мағзини чақа олмас эди-да. Шу боисдан у ўзининг тилга кирадиган пайтини хавотирланиб кутарди.

Бир кун кечқурун бувиси унга эртак айтиб ўтирган, лекин унинг бутун фикру хаёли ўрнидан туриб, ҳовлида атакчечак қилиб юриш бўлган пайтда ҳовлига қўшни хотин кириб келди ва бувисига қимтинибгина «тўтамулло»¹ деб юзланди, бу сўзни эшитган кампирнинг юзи ёришиб, жилмайганча ўрнидан туриб, у аёл билан кўришди. Икки аёл ҳол-аҳвол сўрашиб гурунглашишар экан, Душан, бувисини нега бунақа деб аташгани, бувиси ҳам бундан хафа бўлмагани ҳақида ўйлай бошлади, қайтага, хурсанд бўлиб кетди-я... Бундан чиқди, ўз саргузаштларини ҳикоя қилувчи анави донишманд Тўти шу бувисининг ўзи экан-да... демак, у ҳам қўрқмасдан тилга кириши мумкин экан, сираям маҳмадона бўлмас экан...

Мана шу фараз болани бениҳоя суюнтириб юборди, кўнглига таскин берди, юрагидаги қўрқув ҳиссини даф қилдики, унинг биринчи топқир бувисига аниқ сўз билан юзланишига шу нарса сабаб бўлган бўлса ҳам ажаб эмас:

— Бувви тўти,— деди у дангал муғамбирона оҳангда.

Бувиси ҳайрат ва хурсандликдан аввалига ҳеч нима тушуинмади ва тутақиб кетиб, қатъият билан унинг тилини тўгрилай бошлади:

— Тўта... дегин: тўтажон.— Лекин ниҳоят ҳушини йиғиб олиб, аччиғи чиқди, кейин эса, бу ёқимтой сўз ўйини-



дан кулиб юборди, ўзининг ҳақ бўлиб чиққанлигини қизи олдида яна бир бор намоёиш қилиш учун набирасининг илк сўзларини тинглашга чақирди уни; ҳам суюниб, ҳам ҳаяжонланган она чопқиллаб келди: уйда икки тилда гапиришнинг оқибати қандай чалкашликларга олиб келишини кўриб қўй, мени тўти деб айтди, деди буви қизига, лекин салдан кейин ҳовуридан тушиб кўникиб қолди, чунки қизи хурсандликдан терисига сиғмай кула-кула боласини бағрига босиб чўлп-чўлп ўпарди.

— Ҳа, майли, нима деб атасанг ҳам атайвер, фақат гапирсанг бўлгани,— деди ийиб кетган бувиси; оқибат, бу кун Душан учун яна бир озодликка эришиш куни бўлди — энди унинг ҳовлида бир ўзи юришига рухсат берилган эди.

У аллақачон, кечқурунлари салқин тушган пайтда ўзини сув сепилган ҳовлига кўтариб чиқиб, кўҳна каравотга ўтқизиб қўйишган пайтлардаёқ ҳовлини ўрганиб чиққан эди.

Бу каравот ҳамиша бир ерда турарди; деразаларнинг дарпардалари очилган пайтларда, уйда ётган Душанга у гўё самбитгул ўтқазилган ёғоч пақир ёнида тургандай кўринарди. Кундуз кунлари у офтоб таптида чўгдек қизиб, занглаган сим тўри ғижирлар, фақат кеч киргандагина оҳиста совий бошларди; ёмғир ҳам даставвал унинг устига ёғар эди; қишда эса, қор ҳам ҳовлининг бошқа қисмларини — ток занги ва атиргул буталари кумилган дўнгликларни, акасининг арғимчоғи осилган бостирмани қоплашдан олдин мана шу каравотни оқ кўрпадек буркар, шунинг учун ҳам у мангу азобга маҳкум этилган жафокашга ўхшаб кетарди.

Дарҳақиқат, нега энди совуқ тушган пайтларда у шўрликнинг устига биронта эски шолча ёпиб қўйишмас экан; ахир бувисининг гапига қараганда, бувасини кўрган табаррук каравотмиш-ку. Бобоси шу каравотда туғилиб, шу ерда улғайиб, шу ерда оламдан ўтган экан.

Шунинг учун ҳам, болани кечқурунлари каравотга ўтқизиб қўйишганда, у шу каравотдан бобосининг биронта сирини эшитиш ниятида қулоқларини астойдил динг қилиб ўтирарди. Бобоси у туғилмасдан олдин ўлиб кетган эди, бинобарин у ўз набирасига биронта муҳим гапни озми-кўпми вақтдан кейин бари бир ўлиши муқаррар бўлган бувиси орқали ёки онасига айтиб қолдириб бўлмайдиган ниҳоятда муҳим гапни шу ҳовлида тоабад турадиган мана шу каравотга шипшиб кетган бўлиши ҳам мумкин-ку.

Шундай пайтларда у ўз бешигига жудаям кўнгли йиғиб қарар, уни ечиб олиб, бешикни бўлиб қолдиришгудек бўлса,

бешигимнинг гаврапушини яхшилаб ёпиб қўйинглар, деб илтимос қилмоқчи бўлгандай гапиришга талпинарди, чунки у бешик эътиборсиз қолдирилган тақдирда аччиғланиб, Душаннинг бирон-бир сирини, чунончи, узоқ вақт уни бешикдан ечиб олмай интизор қилган бувиси ё онасидан ўзининг ранжиганлигини, ёки ҳовлида чопқиллаб ўйнаб юрган, шоти қўйиб томга чиққан акасига ҳасад билан қараганлигини фош қилиб қўйиши мумкин деб ўйларди,— яхши-си, гаврапушни ёпиб қўйинглар-у, унинг сирини сирлигича қолсин; майли, ҳамма уни бувисининг икки гапнинг бирида сабр-тоқатли, оққунгил бўл, ҳасадгўй, очкуз бўлма деб қилган танбеҳ ва насиҳатларини дилига жо қилиб олган деб ўйласин.

Ҳовлида, каравот ёнида чанг босган япроқлари ҳаммаша ям-яшил самбитгул турар, унинг пуштиранг гулларига қўниб ичини кавлаштирган асаларилар учиб кета туриб, қанотларига ўтириб қолган гул чангларини қоқишар, шунда каравот узра анчагача пуштиранг тўзон муаллақ туриб қоларди.

Фақат мана шу кўҳна ва каравот сингари боқий гулгина ўзининг сийрак новдалари, ингичка ва қаттиқ япроқлари билан каравот устига соя солиб турарди — япроқлар сатҳида кечаю кундуз шабнам томчилари милтиллаб турарди. Бу гул бутаси энди сув ҳам, озуқа ҳам талаб қилмас, лекин фақат ўз бурчини адо этиш мақсадидагина ҳаммон ҳар йили гулларди, бу бурчини адо этиши учун поялари ичида жигарранг ҳалқачалар қиёфасида яшовчи ўтмиш хотиралари унга мадад берарди.

Ҳар йили баҳорда самбитгул ўтқазилган ёғоч пақирни уйдан ҳовлига олиб чиқишганда, отаси унинг қовжираб қолган пастки новдаларини кесиб, ҳидлаб ўйнаб ўтирсин, деб Душаннинг қўлига тутқазарди. Боланинг назарида, бу самбитгул ҳам кўп нарсани биладигандай, кўп нарсани эшитиб, эслаб қоладигандай, бинобарин, агар унга меҳр қўйиб эътибор берилмаса, худди бешигига ўхшаб, унинг похуш ниятларини катталарга қақиб қўядигандек туюларди,— хуллас, бу хонадонда у туғилмасдан олдин пайдо бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўзаро хуфиёна тил бириктириб олишган-у, шу азалий ва қатъий битим туфайли ҳаммалари мудом унга кўз-қулоқ бўлишар, унинг яхши бола бўлишини исташар, бордию ёмон бола бўлишни у салгина кўнглидан ўтказгудек бўлса ҳам, атрофидаги барча буюмлар унинг бу ниятини дарҳол бир-бирларига шипшиб, уни айблашга тушардилар. Мана шунинг учун ҳам отаси унга самбитгулнинг қуриган новдасини олиб келиб тутқазган

нида, гарчи у отаси билан гул ўртасида битим борлигини билса ҳам (шундай битим бўлмаганда гул ўз новдасини кестиришга йўл қўярмиди?), ўзини ташқарида турган самбитгулга гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек кўрсатиб тикилиб ўтирарди, чунки улар ўртасидаги сирдан огоҳ эканлигини сездириб қўйса, балога қолиши муқаррар эканлигини яхши тушунарди.

Шунинг учун кечқурунлари у каравотда утирганида ва очила бошлаган самбитгулнинг атридан боши аста оғирлашиб, кўҳналик ва ғамгинлик уфурувчи гул исидан кўнгли беҳузур бўлиб (негадир гуллар келиб-келиб салқин тушган айни шом пайтида кучлироқ сархуш қиларди кишини), тишини-тишига қўйганча ўз ранжини фош қилмасликка уринарди.

Катталар ҳовли билан ҳам узаро битим тузишган эди. Кундузги жазирама иссиқ пайтида ҳовли уларнинг уйдан ташқарига чиқишига рухсат бермаса керак, рухсат берганда ҳам фақат қисқа муддатга, унинг саҳнидан чопқиллаб ўтиб дарвозахонага бориш ё ошхонага кириш учун рухсат берар; чамаси, ҳовли ниманингдир устидан кулиб масхара қилар, шунинг учун бўлса керак, бувиси меҳмонхонадан чиқиб, Душан ухлаб ётган хонага ҳовлини кесиб ўтаркан, ҳамиша кафти ё елпиғичи билан кўзини пана қиларди, балки у ҳовлининг тумшайиб олганини кўрмаслик учун шундай қилар.

Тўрт томони баланд пахса девор билан ўралган ҳовли кун бўйи жазирама офтобда теран сукутга толиб турарди.

Бири тимқора, ялқовлигидан сал-пал ҳам сакрамайдиган, иккинчиси биқинида сариқ доғи бор, биринчисига қараганда чаққонроқ иккита чумчуқ, ундан ташқари, чундек озғинлигидан жуда узун бўлиб кўринган, унг қулоғи чиноқ, доимо хомуш ва эҳтиёткор кўринувчи бегона мушук — кундуз кунни боғчада сайр қилиб юришга, деразадан уй ичига мўралашга ҳовлидан ижозат олган жониворлар фақат шулар эди. Бошқа ҳеч бир жонзод ҳовлига чиқмас, чиқиш уёқда турсин, мўралашга ҳам юраги дов бермас эди: агар биронта қарға саратон иссиғидан силласи қуриб, том бошига келиб қўнғудек бўлса, Душаннинг назарида, самбитгул шу заҳотиёқ ғижиниб шитирлаб, бу ҳақда ҳовлига шипшигандай бўлар, ана шунда пинакка кетган ҳовли ҳушига келиб, қарғага қарата иссиқ нафасини пурқардию қарға бир зумда қанотларини париллатиб аллақайларга учиб кетарди.

Лекин кечқурунлари ҳамма нарса — шолчаю кўрпачалар, чойнагу пиёлалар, хондотта ҳовлига олиб чиқилганда,

чамаси ҳовли билан бошқача битим тузиларди — энди ҳовли хушмуомала, оқкўнгил, ғамхўр бўлиб қолар ва одамларнинг то ярим кечагача (отаси билан акасига эса то тонготгунча — улар ҳовлида ухлашарди) ўз бағрида ҳордиқ чиқаришларига ижозат берарди. Шунда ҳамма ҳовлини мақташга тушар, чор ёқдан фонус билан ёритилган ҳовли эса, бу мақтов сўзларни ҳузур билан тинглаб, ийманганча сукут сақларди.

— Ҳовли қандай яхши парса-я,— дерди энг уста хушмадгўй бувиси,— агар калтакесакдан қўрқмаганимда мазза қилиб салқин ҳовлида ухлаган бўлардим...

Битта калтакесак ҳар куни кечқурун девор қавагидан ўрмалаб чиқиб, фонус тагига келарди-да, чироқ атрофида ғужғон ўйнаётган майда чивинларга тикилганча қимир этмай қотиб турарди.

Энди чумчуқлар ин-инларига кириб кетишган ва ҳовли калтакесакнинг ов қилишига ижозат берган эди.

Рост, кундузги ориқ мушук ҳам баъзида қайтиб келиб, ошхонада турган хумчадаги мойни искаб кўрар, ахлат челагига ташланган мужилган суякларни қўли билан ушлаб-ушлаб қўяр, сўнг жирканиб пишқирай, ўзини қоронғига олиб, фақат бир жуфт қизил кўзини ялтиратганча Душанга тикиларди, лекин отаси мушукнинг ҳовлида пайдо бўлганини кўрган заҳоти, дик этиб турар ва уни «пишт-пишт»-лаб ҳайдай бошларди, кейин яна кўрпачага келиб ўтириб, гўё сергак соқчисининг хатти-ҳаракатидан мамнунмикин дегандек ҳовлининг ҳаммаёғига кўз югуртириб чиқаркан, айна пайтда, унинг шу ерда, ҳовлида тунашига рухсат бериш-бермаслиги ҳақида ўйларди. Одатда у ҳовлида тонг палласигача ухлаб, сўнг ўрин-кўрпасини пала-партиш йиғиб бағрига босганча, уйга кириб кетар, уйқунинг қолганини ўша ерда давом эттирарди, чунки у, ҳовлининг меҳмондўстлигини сунистеъмол қилсам ҳовли мендан хафа бўлиши мумкин, деб ўйларди.

Катталар билан ҳовли ўртасида чинданам қандайдир битим мавжуд эди, чунки бир марта отаси ҳовлида офтоб чиққунча ухлаб қолган эди, лунжи шишиб, ўзига ўхшамай қолди, у хаста ва хомуш бўлиб ўрнидан турди.

— Дадангни қурт сўрган,— деди бувиси унга тушунтириб.

Ҳа, тўғри, ҳовли дадасидан аччиғланиб, тушагига қурт ташлаган ва битимни бузганлиги учун уни жазолаган.

Душан ўзини ҳовлида бегона ва беҳимоя ҳис қилар, лекин бошқалар у билан тинч-тотув яшашга келишиб олган эди, уни эса ҳовли хуш кўрмасди, чунки у ҳовли би-

лан қандай тил топишиш йўлини билмас эди, шунинг учун бўлса керак, ёлғиз ўзи ҳовлида юришига рухсат беришмас, ҳовлининг ундан аччиғи чиқмасин учун бешигининг гаврапушларини ёпиб қўйишар, дераза пардаларини ҳам ёпиб, хонани ҳовли кўзидан яширишарди.

Мана шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда у ювошгина бўлиб, ҳеч нарсага юраги дов бермай юрди, қичқирмасликка, йиғламасликка ҳаракат қилди — хуллас, у ҳовлининг чор атрофини ўраган деворга, кечқурунлари катталар узоқ вақт гангир-гунгир гаплашиб чойхўрлик қилиб ўтиришадиган, саҳнига ясси ғишлар терилган юқори ҳовлига, бу ҳовлини пастки ҳовли билан улайдиган иккита йўлгага, иккала ҳовли устига соя солиб турувчи ток сўрисига ёқишни жудаям истарди, шунингдек, у ёзлик шийпонга олиб чиқадиган нарвонга ҳам яхши кўринишни истар эди, лекин ҳовлининг бу қисмини ҳали кўрмаганлиги учун унга ёқишга унчалик уринмасди.

Кечқурунлари, овқат олдидан Душанни ювиб-тарашар, бошқа кийим кийдиришарди, бу нарса унга жуда хушёқар эди, бундай пайтларда, агар шунақа чиннидай озода бўлсам, зора-мора ҳовли мени тезроқ даврасига қабул қилса, деган ишонч уйғонарди унда. Дастлабки пайтларда ҳовли Душаннинг унинг мулкига бостириб киришига қарши бўлди шекилли, юрганида тез-тез қоқилиб, ё самбитгул новдаларига ўралашиб йиқилар, баданининг зирқираб оғриганини ҳис қилар, баъзида ҳовлида узоқ вақт ўтиргани оқибатида шамоллаб қолиб бутун вужуди қалтирай бошларди, оқибатда бир неча кунгача уни уйдан эшикка чиқармай қўйишарди; кунлардан бир кун кўзи шишиб кетди — уни ҳам ўша қурт сўрган эди. Ҳавонинг иссиқ ҳароратидан ва самбитгулнинг ҳидидан аввалига нафаси қайтган бўлса ҳам, лекин бора-бора ўзини енгил ҳис қила бошлади, чамаси ҳовли уни тан олган, беозорлиги, итоатгўйлиги ва сабр-бардоши учун уни ўз даврасига қабул қилган бўлса керак.

Энди у кечқурунлари бир вақтлардагидек ёлғиз ўзи қаравотда ўтирмас, балки ҳамма қатори супада кўрпача устида ўтириб, хонтахта атрофида катталар билан бирга овқатланарди.

У ҳар бир янги таомнинг мазасини билишга уриниб, дастурхонга нима овқат қўйилган бўлса, ҳаммасидан татиб кўришга уринарди, чунки у ҳовли ўз жамоасига қабул қилган одамлар учун ҳамма нарсага рухсат берилган деб ҳисобларди. Мана, у ўз олдида турган бир тақсимча зираворлар солиб пиширилган қўй гўшtidан татиб кўрди, сўнг

хонтахта уртасида ликопчада турган майизга қўлини чўзган эди, шу заҳотиёқ очқўзлиги ва суқлиги учун танбеҳ еди.

— Неча марта айтдим: ёғлиқ овқат билан ширинликни аралаш қилиб бўлмайди деб. Ёмон бўлади!

— Уришманг!— деб боланинг ённи олди онаси.— Бу тўғрида ҳали ҳечам гапирганимиз йўқ эди, чамамда. Мумкин эмас, ўғлим, тушундингми?

— Нимага?

— Гуноҳ бўлади!— деди бувиси.

Онаси бувисига таънаомуз қараб қўйиб, ўзича тушунтира бошлади:

— Касал бўлиб қолишинг мумкин... Сассиқ меъда бўласан... Ёғлиқ нарса кетидан ширинлик еб бўлмайди...

Янги тақик пайдо бўлган эди, лекин бунисини бузиб бўлмас экан — гуноҳ бўлади, дейишяпти.

Бу кўнгилсиз можарога тезроқ барҳам бериш учун чой ичишга киришишди.

— Дарвоқе,— деди отаси,— Ғойиб қассоб қазо қилибди.

— Худо раҳмат қилсин,— деди бувиси ҳорғин оҳангда фотиҳа қилиб,— яқинда келинининг кўзи ёриган эди-я...

Бувининг шу гапидан кейин ҳамма жим бўлиб қолди, буви эса бошини қуйи эгиб, аллақандай сўзларни товушсиз шундай сирли оҳангда пичирлай бошладики, гуё у ўз ёнида, хонтахта теграсида утирган одамларга нисбатан ҳам муайянроқ ва яқинроқ шахс билан гаплашаётгандай туюларди.

— Мен туғилганимда уйимизда ким ўлган эди?— деб сўради Душан супада утирган бувиси, дадаси, ойиси ва акасига бир-бир кўз югуртириб чиқиб ва буларнинг ҳаммаси у туғилган чоғда бўлганини, ҳеч ким ғойиб ҳам, янгитдан пайдо ҳам бўлмаганини қўрқув аралаш англаб, кўнгли ёришиб кетди.

— Вой, ойи, қаранг, болам бояқишнинг ранги қув учиб кетди,— деди онаси уни бағрига босаркан.— Ахир болаларнинг олдида гапириб бўладими бунақа гапларни? Энди кечаси билан ухлолмай чиқади...

— Буванг ўлган эдилар,— деб гапга аралашди отаси, одатда у овқат пайтида ҳамиша сукут сақлар ва фақат бирон гапни изоҳлаш ёки бирон далилни рад этиш лозим бўлган муҳим дақиқалардагина гапга аралашар, қисқаси, аёллар тарбиясида юз берган хатоликларни тузатарди.

— Тўғри,— деб суюниб кетди бувиси, у биринчи марта бўлса керак, куёви билан баҳслашмай, унинг гапини

маъқуллаган эди,— ўлими олдидан раҳматли буванг сенга ўз исмини совға қилиб қолдирган эди...

— Иби, қанақасига совға қиларканлар? Ахир бобомнинг оти Мўмин экан-ку, менинг отим бўлса — Душан...

— Тўғри, бобо Мўмин,— деди бувиси, энди энг муҳим оилавий сирни фош қилишга тўғри келаётганидан бўлса керак, хижолат бўлиб.— Илло ҳар бир одамзоднинг икки-тадан исми бўлади, битта исми бошқаларга айтилади, шунинг учун ҳамма уни ана шу оти билан атайди, одамнинг яна иккинчи исми ҳам бўладики, уни ҳеч ким билмайди, уни ошкор қилиш ҳам мумкин эмас,— аслида, шу иккинчи исм ҳақиқий исм ҳисобланади. Одамзод ўлими олдидан шу ҳақиқий исмини, ўзи учун энг азий бўлган хешига совға қилиб қолдириб кетади...

— Ўша сирли исми ўзига олган одам, кейин уни бошқа исм билан алмаштириб айтиши мумкинми?— деб сўради акаси.

— Ҳа, у ўзи олган исми бошқа ном билан атайди, илло у исмнинг сирини ўзи эмас, ўзга киши фош қилиши мумкин...

— Менинг шу Омон деган отимдан бўлак, яширин исмим ҳам борми яна?

— Одам анча вақтгача ўзининг яширин исмини билмай юради, ҳолбуки, ўзини бошқаларга танитиш учун айтган исмини ҳақиқий эмаслигини сезади. Одатда у ўзининг махфий ва ҳақиқий исмини бир кун келиб кутилмаганда, кўпинча, ўлими олдидан билиб қолади... Мана, ён қўшни-мизни олайлик,— деб бувиси гапга берилиб кетди, унинг чинакам дил сўзлари энди баён этилаётгандай эди,— куни кеча дарвозасини бўяган чолни айтяпман, унинг исми Қўрқмас, аммо ўзи ариқ бўйидан ўтаётганда қурбақа «шўлп» этиб сувга сакраса, қўрққанидан лабларига учуқ тошиб кетиб, бир ҳафта ўрин-кўрпа қилиб ётиб олади,— деб қотиб-қотиб кулди буви, сўнг кулиб чарчади шекилли, жим бўлиб қолди — одатда у жуда кам кулар эди, чунки, бутун умр кўрган-кечирганларини кексалик унинг вужудида жамлаб, қалбини аччиқ алам, зардоб билан тўлатганди.— Ҳай, энди дастурхонни йиғиштиринглар, камбағалнинг кечлиги шоҳона зиёфатга айланиб кетди...

Дарҳақиқат, бугун кечлик жуда чўзилиб кетган эди, катталар ўринларидан туришиб, уйқунинг тараддудини қила бошладилар. Омон Душаннинг ёнида тақир шолча устида узала тушиб ётарди. Бувисининг айтганлари ҳамон уни бошини қотириб ҳеч тинчлик бермаётганди, аммо бу ҳақда ким билан гаплашиб юрагини ёзишни билмас эди,

Душан билан гаплашишдан-ку наф йўқ, негаки у бари бир ҳеч нимага тушунмайди, деб ўйларди.

Бироқ шу пайт Душан унинг қулоғига пичирлаб:

— Ойимизнинг оти нима, биласанми?— деб сўраб қолди, шунда Омон укасига яқинроқ сурилиб, унинг юзига иссиқ нафас қайтара бошлади. Кейин улар бир-бирларига далда, таскин бермоқчи бўлгандай бир-бировларининг кўзига тикилганча пичирлашиб гаплаша бошлашди, зеро улар яна бир сирни очишга шайланаётганларини ҳис қилардилар, аммо ўша сир очилганда қандай бўларкин, бу ҳали улар учун ҳаяжонли бир жумбоқ эди.

Дарҳақиқат, икковлари ҳам ота-оналарининг исмини ҳалигача билишмас эди, отаси бирон нима сўрамоқчи бўлиб онасига мурожаат қиладиган бўлса «Омоннинг онаси» деб чақирарди-ю, лекин сира ҳам унинг отини айтмасди, ўз навбатида онаси ҳам отасининг исмини сир тутган ҳолда ва ҳаттоки эри тўғрисида бувиси билан гаплашганда ҳам, албатта «Омоннинг отаси», «Бу тўғрида Омоннинг отаси билан маслаҳатлашиб кўриш керак» ёки «Омоннинг отаси келгунча сабр қилайлик...» дерди. Уларнинг умуман ўз исмлари бўлмаса керакки, бир-бирларини шундай деб аташар. Борди-ю Омон туғилмаганда, бир-бировларини нима деб аташларини ҳам билмай, ўзаро гаплашишмасдан гунг бўлиб, бир-бирларининг асл отлари бехосдан оғизларидан чиқиб кетиб, энг мудҳиш ҳаётий сирларини фош қилиб қўйишларидан хавотирланиб юришармиди ҳамиша.

Душан бу ҳақда дастлабки пайтларда ўйламаган эди ҳам, лекин кейинчалик бориб бари бир тушуниб олди — ота-оналари Омонни ундан кўра кўпроқ яхши кўрганлари учун эмас, балки бир-бирларини тўнғич фарзанд исми билан чақириш одат бўлгани учун унинг отини атаб бир-бирларини чақиришаркан, айти пайтда уни, кенжа ўғилни, жуда бошқача меҳр билан севишарди.

У Омоннинг исми ҳамма гапда — ҳам эркалаш, ҳам танбеҳ, ҳам бир-бирларини чақириш ва интизорлик сўзларида тилга олинишини эшитиб, барча оила аъзоларини акасига рашк қилиб, уни ёмон кўриб ҳасад билан қарай бошлади — бундай муносабат то шу бугунги кечқурунгача давом этиб келган эди, бугун эса улар ота-оналарининг сирини биргаликда билиб олишга қарор қилишди ва Душан Омоннинг исми отаси билан онасини тўнғич ўғилга бўлган алоҳида мойиллик сифатида эмас, ўзга бир восита сифатида — шундай, кўпроқ ғамгин восита сифатида ўзаро боғлаб туришини фақат шу бугунга келиб тушунган эди.

Уларнинг ўз исмларини шундай яшириб яшашларига сабаб, уйларида ёки қўшининг уйида туғилиши муқаррар бўлган, аммо ҳали дунёга келмаган чақалоққа асл исмларини олдириб қўйишдан қўрқмаяптимикинлар? Агар шундай бўладиган бўлса, улар ўзларининг асл яширин исмларини билмай беном қолиб, нариги дунёга, яъни бутун умр ўғирланган исм билан яшаган ёки валломатлик қилиб, ихтиёран ўз исмини янги туғилган чақалоққа бахшида қилган одамлар масканига мангу равона бўлишлари мумкин.

Болалар супада пичирлашиб ётиб шундай хаёлларга боришарди, аммо катталардан биронтаси супага яқин келиши билан дарров жим бўлиб қолишарди, чунки ўз оналарининг нима сабабдан уларнинг исмини бунча кўп айтиб баралла чақиришлари сабабини билишмасди, ахир бунақада одамлар уларнинг ҳам исмини ўғирлаб, ўз эркатойларига ҳадя қилишлари мумкин-ку? Дарвоқе, бувилари, ҳақиқий исмлар теран сир бўлиб сақланади, деб айтди, бу — Омон, Душан деган исмлар эса, шунчаки одамларни калака қилиш учун қўйилган, демак, ўз исминини бошқаларга қанча кўп такрорлаб айтсанг, бегоналарни ўзининг ҳақиқий номингдан шунча узоқлаштирасан, кейин бир кун келиб, агар ўз эркатойларининг астойдил яхши кўриб қолиб ҳақиқий исминини ўшаларга совға қилишни кўнглинг тусаб қолса, ўлимнинг олдидан ўша асл исминини тасодифан билиб оласан.

Бундан чиқди, атрофдаги, куча-қўйдаги ҳамма одамлар ҳам ўзларининг ҳақиқий исмларини эмас, сохта исмларини айтарканлар-да, демак, ҳамма одамлар ўртасида, худди бу хонадонда яшовчи катталар билан ҳовли ва бобосининг каравотига соя солиб турган самбитгул ўртасида бўлганидек махфий алдамчилик битими тузилган экан-да.

Демак, у ҳам бу ўйинга қатнашиши керак, негаки ҳамма ўйин билан машғул бўлган бир пайтда, у четга чиқиб, кузатиб турса — бу шубҳа уйғотиши ва ножўя кўриниши, шунчалик ғайритабiiй ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Бунақада ҳамма беихтиёр унга эътиборини қаратиши ва ўз исмларини ҳақиқий, фақат унинг исмини сохта деб кўрсатишга уринишлари мумкин — ана унда ҳамма унинг ҳали ўзига ҳам аён бўлмаган махфий исмини ўғирлашга уриниб кўради. Бу фикр болани шундай ҳаяжонга солиб қўйдики, у шу пайтдан эътиборан, иложи борича одамларни кўпроқ лақиллатиш мақсадида ўз исмини тўхтовсиз равишда ва ҳамма ерда, имкони туғилган вазиятда бақириб айтаверишга аҳд қилди — айнан мана шу аҳди уни тор-

тинчоқлик ва қўрқувдан халос этди ва у энди озод этилган енгил сўзларнинг ўз-ўзидан оғзидан чиқиб, овоза бўлишга интилаётганини ҳис қилди.

— Мен Душанман! Менинг отим Душан!— деб қичқирарди у ҳовлида уёқдан-буёққа юраркан ва исмининг самбитгул узра парвона бўлиб жаранглаётганига, чўчиган чумчуқларни «пир» этиб учиб кетишга мажбур қилишига ва энг кичик кавак ҳамда дарзларга ҳам жаранглаб киришига қўлоқ соларкан.— Мен Душанман!— деб қичқирарди у, оёқ учида оҳиста юриб келиб бувисининг қўлоғига шангилларди:— Мен Душанман!

Энди Душан уйларига меҳмон келганида тортинчоқлик қилиб ўтирмас, ўзи улар олдига бориб, ўзини танитар ва уларнинг алданиб, унинг гапига ишонишлари ва бош иргатишларини кўриб, суюниб кетарди.

— Худога шукур, болагинамнинг тили чиқди,— деди бувиси кўзига ёш олиб ва ўзини бошидан тоғ ағдарилгандай енгил ҳис этиб.— Айтмовдимми, сабр қилиш керак деб, сабр қилсанг ғурадан ҳалво битар, деганлар... Мана, худойим гапиришни кўнглига солган экан— бийрон-бийрон гапириб кетди...

— Энди уни гапдан тўхтатиш маҳол бўлса керак, эсингиздами, Омон қанақа эзма бўлиб кетган эди?— дерди онаси суянганидан терисига сиғмай.

— Майли гапираверсин, дунёда нима кўп — сўз кўп, барибирам қариб чол бўлгунча ҳамма сўзни айтиб улгурмайди, қариганда бўлса — яна ўзи жим бўлиб қолади.

— Ўзи қанча ҳамма сўзлар? Қанча нарса бўлса, сўз ҳам шунчами?— деб сўрарди Душан, чунки ҳали ҳам у, нарсалар ўз ҳолича вужудга келмайди, фақат уларга ном қўйилган тақдирдагина улар пайдо булишади, деб ўйларди. Оралиқ хонада ёки музика чалиб очиладиган қутида яширинган сирнинг отини ифодалай оладиган сўзни топа олсанг борми, ўша заҳоти у сир сирлигини йўқотади, аммо ундай сўзни қандай топиб бўлади, ахир бувиси айтди-ку, то қариб чол бўлгунча ҳам ҳамма сўзни айтиб улгуролмайди, деб, демак, бундан чиқди, кўпчилик сирлар очилмасдан сирлигича қолиб кетар экан-да; кейин эса у шундай ўй-хаёллардан толиқиб, қарийди ва яна жим бўлиб қолади.

Энди, кечқурунлари унга бувиси ўзининг энг суюкли тарбиявий фаолиятини бажариб «Тўтинома»дан эртақ айтиб бера бошлаганида Душан бувисининг юзига тикилиб қараб ўтириб, бирдан қиқирлаб кула бошларди.

— Йўқ, мен бунга тоқат қила олмайман!— дерди кам-

пир набирасидан ранжиб ва ўзини аразлаб ўрнидан туриб кетмоқчи бўлгандай кўрсатиб.

— Ман — Душан, сиз — тути,— дерди у бувисига, чунки агар у бир марта бувисини шундай деб атагудек бўлса, бу сўз ўша заҳоти ўз сеҳр-жодусини рўёбга чиқариб бувисини тутиқушга айлантиришига қатъий ишонарди.

— Нима бўпти? Шундай деганинг билан мен бари бир ўзгарганим ҳам, ёмонлашганим ҳам йўқ-ку,— дея жавоб қиларди бувиси, энди у набирасининг бирон қилиқ чиқаришидан ҳайиқаётганини ва шу боисдан унга гапи ўтмай бошлаганини сезаётган эди.

— Энди сиз тути бўлдингиз. Энди сизнинг музика чаладиган қутингиз йўқ. Тутиларнинг қутиси бўлмайди. Мана энди у қутининг сирини билиб оламан.

— Сен шошилма, катта бўлганингда билиб оласан қутининг ичида нималар борлигини. Унинг музика билан очи-лишининг ўзи кифоя эмасми сенга? Ахир бу музика унинг ичидаги нарсадан ҳам яхшироқ-ку...

— Агар тути бўлишингиз жонимга тегса, сиз кетмон-сиз, деб айтаман-да, сиз билан боғчани чопа бошлайман,— дерди Душан, чунки у ҳар қандай жонзод ҳам, буюм ҳам, агар уни бошқа ном билан атайдиган бўлса, ҳар гал ўз қиёфасини айтилган сўзга монанд ўзгартириб ҳар хил тусга киришига қатъий ишонар эди...

— Тентаквой!— деб унинг сўзини бўларди бувиси, чунки ўзи ҳикоя қилиб бераётган «Тутинома»да ҳам ҳамма нарса муттасил равишда ўзгариб туриши, ҳар сафар янги ном билан аталиши унинг хаёлига ҳам келмасди...

Кечқурунлари у бувисининг эртақларини ҳовлининг энг яхши ва энг ҳаловатли ерида ўтириб олиб эшитарди. У катта меҳмонхонанинг ҳали офтоб тапти кетмаган илиқ деворига суяниб ўтирар, унинг ўнг томонида ёпиб қўйилган кунгурали дарча, чап ёнида эса, унинг илтимоси билан бувиси ўтирарди, оқибатда ярим ёритилган тахмонга ўхшаган жой ҳосил бўларди — бувисининг мулойим ва ҳазин овози, тағларига солинган юмшоқ кўрпача, совниб қолган бир пиёла чой (бувисининг қизиқарли ҳикоясига берилиб кетиб лаби қовжираб қолганда шу чойдан ҳўплаб-ҳўплаб қўярди), Душаннинг қўлига қия тушиб турган чироқ шуъласи, қопқанинг табақаларидаги гўзаллик, қадимийлик ва осудалик рамзи бўлган нафис кунгуралар — буларнинг ҳаммаси эринчоқликка ва тезроқ ётиб ухлашга даъват этардики, кези келганда у ана шу ўзининг иссиқ маконидан тўппа-тўғри ўрнига ўтиб ётиб, ухлаб кетарди...

Уйда унинг ўзи топиб, хушёртирган бундай жойлар кўп

эмас эди. Қайтага унинг кўнглини беҳузур қиладиган, кир-са нафаси қайтиб кетадиган, нохуш жойлар кўпроқ учрар-ди — чунончи, у девор тагидаги обрезада бир дақиқадан ортиқ бўлолмасди, ҳолбуки акаси айнан ўша ерда обдас-тани олдига қўйиб олиб, соатлаб чўқ этмай хаёл суриб ўтиришни яхши кўрарди. Ёки отаси ёқтирган жойда — пастки ҳовлидаги сўри тагига қўйилган чорпояда — ҳам у бемалол ўтира олмасди. Отаси уни кўпинча чорпояга чи-қариб, ёнига ўтқазар ва бироқта жуда ғаройиб воқеани ўғлига мароқ билан ҳикоя қилишга киришарди, лекин Ду-шан ўрнида ҳеч жим ўтира олмай бетоқат бўлар, дадам-нинг кўнглини ранжитмай қандай туриб кетсам экан, деб ўйларди. Қанийди отаси унинг олдига келиб, худди у син-гари илиқ деворга суяниб ўтирса-ю, чироқ шуъласи туш-масин учун дераза қопқасини ёпиб қўйса, ана унда икков-лари вақтни жуда дилкашлик билан ўтказган бўлардилар, лекин, афтидан, девор таги чорпоячалик хушёқмайдиганга ўхшайди дадасига, чунки ҳамма: ойиси ҳам, бувиси ҳам, акаси ҳам фақат ўз ўринларини яхши кўришарди.

Ҳовлидаги ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган шу жойлардан ташқари, сирлари ҳали батамом очилмаган жойлар ҳам бор эдики, самбитгул ва сўри қилиб кўтарил-ган ток шулар жумласига кирарди.

У эрта баҳордан то кеч кузгача бўлган узоқ вақт мо-байнида юз берадиган барча воқеаларни энди яхши би-ларди. Кузда отаси токни хомток қилиб, ерга кўмар, сў-рининг устига чиқиб кетган, ерга қайириб бўлмайдиган йу-ғон зангларни эса, наमत билан ўраркан, бу ишда унга Омон билан Душан дастёрчилик қилиб кўмаклаши-шарди.

Кейин бу занг бутун қиш музлаб қотиб турар, эрта ба-ҳор келганда эса унинг ҳар ер-ҳар еридан сариқ сумалак-лар осилиб тушарди. Ниҳоят сумалаклар эриб, аёздан за-ранг бўлиб кетган ерга чакиллаб томиб калта бўла бош-ларди; лекин кечалари қаттиқ совуқ турган пайтларда чак-ка тўхтаб, сумалаклар яна пастга қараб бўй чўзарди. Бу пайт ота энди жим ўтирмас, тоққайчи, белкурак ва кет-монларни қайраркан, сумалакларни бирваракайига эри-тиб юбориб ток зангини яланғочлайдиган баҳорнинг илиқ нафасини кутарди.

Токийинг сири унинг ҳамма одамлар устидан сеҳрли қуд-ратида эди, бу қудратнинг сиймоси ҳам, номи ҳам бўлма-ганлиги сабабли, Душан унинг мағзини ҳозирча чақа ол-маган эди. Бундай пайтларда у фақат шундай манзара-ларнинг шоҳиди бўларди: ток занги ўз либосини — устига

уралган кигиз қатламларини ечиб ташлаши билан, уйдигиларнинг ҳаммаси ҳам гуё унга тақлид қилишаётгандай, устларидаги қишлоқ либосларини ечардилар (кийимлар бирдан зилдай оғир бўлиб кетгандай туюларди), оппоқ ва озода енгил кийим киярдилар, қишлоқ кийимларини эса, шоша-пиша сандиққа солишиб, устидан куядори сепардилар ва аллақандай нохуш, малол келадиган нарсани унутишга урингандек, бу кийимларни тезроқ мияларидан фориғ қилишга уринардилар. Аммо кутилмаганда бир-икки кунга қиш яна қайтиб келгудек бўлса (жонга тегиб кетган меҳмонни кузатиб эндигина эркин нафас олганда у бир нимасини унутиб қолдиргани учун яна қайтиб келгандек), ҳамманинг қовоғидан қор ёғилар, бўлар-бўлмасга аччиғи чиқиб можаролашардилар.

Бироқ кунлар исиб, енгил кийинишган ва ўзларининг гуё ёшариб тетиклашгандек туюлган жуссаларидан, шахдам-шахдам оёқ олишларидан, қўлпайпоқ киймаган қўлларидан, қалпоқсиз бошларидаги ипакдек майин соч толлариининг чароғон офтоб шуъласида мавжланиб, енгил эсган шаббодада ҳилпираганидан ҳузур қилиб завқланган, ниҳоятда хуштабиат ва дилкаш кайфиятдаги одамлар сўри тагида соатлаб уёқдан-буёққа юришарди.

Сури остидаги майдонча тор эди, шунинг учун одамларнинг бу ердаги сайри рақсга, токка хушомад қилишга ўхшаб кетарди, зеро, у билан ҳам, худди ҳовли билан бўлгандек махфий битим тузиш лозим эди, баҳор эса, улар ўртасида қозилик қилар ва тузилган битимга хилоф иш қилинмаётганини кузатиб турарди. Агар у одамзод ёки ток томонидан бирон фириб ё найранг ишлатилганини пайқаб қолгудек бўлса, шу заҳоти уларни жазолаш мақсадида совуқ юбориб, то янгитдан битим тузилгунча ҳамма муросаларни барбод қиларди.

Бу аснода ток зангининг қишки пўстлоқлари тарам-тарам шилиниб ерга тушади, ўтган-кетганнинг оёқларига илашади, энди усти очилиб сурига таралган токнинг яшил новдалари баҳор қуёшидан нур эмиб ям-яшил, силлиқ ва сичқоннинг қулоғидек жажжи-жажжи япроқлар чиқара бошлайди.

Худди шу кунларда қандайдир бегона бир чол ҳовлига тез-тез келиб турди, одатда у дарвоза тавақасини қия очиб бошини суқар, бувисининг диққатини тортиш учун ёлғондакам йўталиб қўяр, эшикни бармоғи билан қўрқа-писа ва оҳиста тақиллатарди, шунда кампир дарҳол ойнага қараб, бошидаги рўмолини тўғриларди-да, ҳовлига чиқарди, шунинг учун ҳам Душан уларнинг ҳовлидаги каравотда ути-

риб нима ҳақда гаплашишганини билмасди, чамаси, улар ҳеч гаплашишмай жим ўтиришарди чоғи. Чол калта қилиб кузалган соқолини силаб ўтираркан, ўқтин-ўқтин хўрсиниб сўрига кутариб таралган токка таъна билан қараб қўярдики, гуё уни бу ерга, кампирнинг ҳузурига меҳмон бўлиб келишга мажбур этган нарсаси шу токнинг сирли қуввати эди. Буви эса, чолнинг гуниг бўлиб ўтирганлигидан сира ранжимаётгандай кўринар ва меҳмон оша аллақаяқларга, олисга такаббуруна нигоҳ ташларкан, қўлидаги оқ ва қора мунчоқлардан тизилган тасбеҳни бамайлихотир ўгириб ўтирарди. Шу алпозда улар анча вақтгача сукутга толиб ўтиришлари мумкин эди, пиёлага қуйиб узатилган чой ҳам чолнинг қўлида совиб қоларди; лекин ким ўзи бу чол? Бобо Мўмин ўлгандан кейин келиб, бувини ўз уйига умрбод олиб кетмоқчи бўлган ва бувидан рад жавоби олган чол шу эмасмикин? Ахийри кеч ҳам кириб, Душаннинг дадаси ишдан қайтар, шунда чол хижолат тортиб дик этиб ўрнидан туриб кетар ва куёв билан наридан-бери ҳол-аҳвол сўрашиб, баъзида уялганидан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб пилдираб ҳовлидан чиқиб кетарди.

Ниҳоят саратон кириб, токнинг шўраси ғурага айланар, шунда ҳамма одамлар яна ўзгаришар, катталар тажанг ва минғаймас бўлиб қолишар, анави чол ҳам, кампирнинг авзойи бузуқ бўлса, ҳайдаб солишиям мумкин, деган хаёлга бориб, келмай қўярди. Кишининг силласини қуритувчи бу узун кунларнинг гуё ниҳояси йўқдай туюлар, бундай пайтларда хона ичига офтоб тушмаслиги учун деразаларнинг дарпардалари беркитилар, ҳовлига эса, одамлар фақат кечқурунлари, кунботар пайтда чиқишарди; аммо офтоб тапти ҳали бу ердан кетмаганлиги сабабли диққинафас бўлишиб, дим ҳаводан нафаслари қайтиб ўзларини қўярга жой топа олмай тажанг бўлишар, бундай пайтда на самбитгул, на сўрининг таги уларга паноҳ бўла оларди. Ёзнинг бу палласи шундай пайт эдики, энди енгил кийим ҳам кишига оғирлик қилар, шунинг учун Душаннинг акаси Омон, қани энди тезроқ тонг ота қолса-ю, болалар билан анҳор бўйига бориб, ўзимни сувга ташлаб, кечгача мазза қилиб чўмилсам, деб тонг отишини сабрсизлик билан кутарди.

Дадаси эса сўри тагида айланиб юриб, узум бошларини кўздан кечирар, ғужумларни ушлаб-ушлаб қўяр, баъзиларини ҳатто чўқилаб ҳам кўрар эди.

Бироқ, бари бир, узумнинг сархилини сўрининг энг баланд ерида, офтобруй жойда пишган бошларини биринчи галда чумчуқлар чўқилаб, ҳузурини ўшалар кўрардилар.

Ёз бўйи тиним билмай қуёшдан нур эмиб, ниҳоят ўз вазифасини адо этган, ҳосилини пишириб етказган ток эса бу пайт куп ишлаб толиққанлигидан бўлса керак, ҳамма нарасага лоқайду бепарво бўлиб қолар эди.

Бу аснода токдаги лоқайдлик кайфияти хонадондаги одамларга ҳам утарди, ҳеч ким пишган узумни узиб олишга шошилмас, ҳамма имиллаб ҳаракат қилар, отаси гўё биров мажбур қилаётгандай истар-истамас нарвон кўтариб келиб, сўри тагига қўяр ва эринибгина нарвон бошига чиқиб, тимқора бўлиб пишган шивилғонининг катта-катта бошларини узиб, пастга узатарди. Сўнг хонтахта устига ток баргларида ёзиб, шу барглар устига узум бошларининг думларини ташқарига қилиб, доира шаклида ётқизиб чиқардики, натижада кунгурали ажойиб манзара вужудга келарди... Лекин энди табиатнинг бу антиқа неъматини тағиб кўришаркан, унинг мазасидан ҳайратланишга ҳеч кимда гўё мажол қолмагандай лол ўтиришарди, шунда фақат буви, одоб юзасидан, токнинг узоқ муддатли ҳалол меҳнатини мақтаб кўнглини кўтариш учун:

— Шакар бўлиб кетибди...— деб қўярди, холос.

Таажжуб, ахир одамлар баҳор пайтида кийимларини алмаштиришганда, сўри тагида рақс монанд сайр этишганда, ишқий қўшиқларни хиргойи қилиб, ҳаяжонланиб югуриб-елишганда, бу сафар ҳам бувини ўзи билан яшашга уната олмаган чол, бари бир келиб, шу ток сўрисин соясида ўтириб ҳордиқ чиқариб кетганда,— ахир ҳаммалари бўлгуси узум бошларига не-не умидлар билан кўз тикишган эди-ку... Мана энди, ҳосил етилгандан кейин, ҳамманинг нигоҳи қандайдир ўйчан, овозлари ҳам заиф эшитиладиган, ҳамма паришон, ҳамма ўз ҳаёли билан банд, бир-бирларига кўзи тушган тақдирда ҳам, гўё пайқамагандек ўтиб кетадиган бўлиб қолишди.

Улар фақат узумнинг нақадар шифобахшлиги, мусалласи ўлган одамни тирилтириши ҳақида гапиришади. Бу ҳақда ҳаммадан кўпроқ буви гапирар, гапирганда ҳам, худди васият қилаётгандай ўғит гапларни қўшиб гапирарди, хуллас у, гўё бу йил қишга бориб куни битиб, албатта оламдан ўтадиган одамдай гапирарди.

Бу йил ёзда ҳовли айниқса ёмон дим бўлди, кечқурунлари ҳамма, шояд бирдан шабада эсиб танга бир оз ҳаловат бағишласа, деб ток баргларига интизорлик билан тикиларди. Бироқ барглар, худди қуюқ ҳаво сатҳига расм қилиб чизгандек, «қилт» этмай осилиб турардилар, бу манзарани кўрган Душаннинг кўнглига, олма дарахтига би-нафша ранг анжирларни, самбитгулга эса анорларнинг

расмини солиб, ҳамма нарсани чалкаштириб юбориш ва ёз палласида уларнинг ҳовлисига сира чидаб бўлмайдиган иссиқ пуркашни унутмаган табиатнинг фаолиятидан, унинг ақл-заковатидан шу зайлда ўч олиш, хуллас, уни бир майна қилиш фикри келди. Бу ҳаёлий манзарани яна бойитиш ва дарахт ёнига бир уйча тиклаб, устига салқингина болохона қўндириш ва шу болохонага чиқиб олиб, уни ўзининг янги ёқимли масканига айлантириш ва мазза қилиб дам олиш мумкин эди. Негаки, қопқа ёнидаги иссиқ деворга суяниб ўтирадиган аввалги ўрни энди унинг меъдасига теккан ва ёқимсиз, шумшук бўлиб қолган эди.

Чиндан ҳам, у ўз тасаввуридаги манзарани мана шу қуюқ ҳаво сатҳида чизиши билан кўз олдида ўша манзара намоён бўлар ва фақат кўчадан кўтарилган чанг баланд пахса девор оша ҳовлига кириб ўша манзара бетини тўсгандан кейингина у кўздан ғойиб бўлар эди.

Ҳовлига ёпирилиб кирган чанг-тўзон қуюқлашиб ҳавода муаллақ туриб қолган ва ҳамма нарсани сарғиш тусга бўяган эди, натижада, ҳориб тинкаси қуриган ҳовлининг бир ўзи бундай босқинга қарши кураша олмай, чанг ютиб, нафаси қайтарди-ю, аммо одамлар ёки қушлар, ё эндиликда ҳар дақиқа сайин чучкириб ўзини фош қилиб қўяётган ўша бегона мушук ёрдамга келиб уни бу азобдан халос этишини бардош бериб кутарди. Бироқ ҳеч бир жонзод ҳовлига ёрдам қўлини чўза олмас, оқибат у ўзаро ёрдам ҳақида тузилган битимнинг барбод бўлаётганидан аччиги чиқаётгандай бўлиб кўринарди.

Мана шу қуюқ тўзон пардаси орасидан тоққа касал текканини ҳеч ким пайқамай қолди. Ота ухлаб ётган пастки супага шира тўкила бошлади, ота аввалига бунинг нималигига тушуна олмай, ҳайрият, ёмғир томчилай бошладди, деб ўйлади. Аммо беғубор осмонга қараб ҳайрон бўлди, шунда у ток баргларининг қорайиб, ғужанак бўлиб қолганини кўрди, узум бошларига кул тушиб, ғужумлар пучайган ва уларнинг чакиллаб ириб-оқаётганини кўрди.

Ўргимчаклар баргдан-баргга танда қўйишиб, ўз инларини бамайлихотир тўқиш учун қулай жой ахтарардилар, фақат шу ўргимчакларгина узумга касал текканлигидан мамнун кўринар эдилар.

Ҳамма сўри тагига тўпланиб, узумга ачиниб турарди, у эса ҳамманинг устига бир меъёрда шилимшиқ қуюқ ширасини тўкиб, шумшайиб чангга ботиб турарди.

— Касал ноздаларни тезроқ кесиб ташлаш керак, бўлмаса, бутун боғчага тарқалади бу офат,— деди дадаси.

— Яхшиси, хомтокчини чақириш керак,— деб эътироз

билдирди буви,— қайси новдаларни қандай кесишни уша яхши билади. Унгача, то ток танасидаги бутун заҳар шира сиртга чиқмагунча уни суғормаслик керак. Шу ташналик унга шифо бўлиши мумкин...

Бу гапни бувиси шундай ишонч билан айтдики, гуё ток билан тузган узаро махфий битимга уни ҳали ҳам амал қиляпти деб уйлаш мумкин эди. Шу кундан бошлаб атрофдаги барча нарсалар бирдан ўзларини фош қилгандай, бутун ҳовли ва ундаги барча буюмлар ўзининг нима-лигини аниқлаш учун Душанга ижозат бергандай бўлдилар. Энди ҳовли ва уйдаги барча буюмлар уни ўз даврасига қабул қилишлари учун унинг томга чиқишига ҳам ижозат беришлари керак эди, акс ҳолда, агар унинг томга чиқишига монелик қилишда давом этадиган бўлсалар, бу адолатсизлик ва ноинсофлик ҳисобланадигандек бўлиб туюлди.

Кечқурун у ҳовлида тентираб юраркан, бегона мушукнинг нарвон пиллапояларидан товушсиз тушиб келишини кўтди — Душанни шу мушук ўзи билан эргаштириб томга бошлаб чиқиши керак эди. Фақат фурсатни ўтказмай, мушук кетидан тез чопқиллаб чиқиш керакки, отаси мушукни «пишт-пишт»лаб ҳайдаб юборишга улгурмасин.

Мушук келганида отаси самбитгул барглариغا инган чангни юваётган эди. Мушук дадасига тўзонли ҳаво орқали қаттиқ тикилиб қараб унинг ишидан мамнун бўлгандай бўлди, Душанга эса, фақат бир марта кўз қири билан қиё боқиб қўйди, чунки ундан қўрқмасди ва унинг томга чопқиллаб чиқишига рухсат йўқлигини яхши биларди; шундан кейин мушук токчада турган хурмачани искай бошлади.

Мушукнинг бундай сурбетлиги Душаннинг аччиғини чиқарди.

— Ма, пиш, пиш! — деб чақирди у ва отаси «ҳай-ҳай»лашга улгурмай, нарвоннинг биришчи пиллапоясига чиқиб олди, сўнг нафасини ростлаб, мушук орқасидан қувиб нарвоннинг юқори поғоналарига тармашиб чиқа бошлади, лекин мушук ундан қочмас, балки эринибгина чекинаркан, гуё таъқиб қилаётган боланинг қапчалик довярак эканлигини чамалаб кўрмоқчи бўлгандай орқасига қараб-қараб қуярди.

Отаси ҳеч нима демади, фақат самбитгул олдидан кетиб, каравотга бориб утирди ва Душаннинг хатти-ҳаракатини кузата бошлади. Яхшиямки ҳовлида бошқа ҳеч ким йўқ эди, агар бу ҳолни бувиси кўргандами, ўзига теккан касали кўзиб, куёвига қасдма-қасдликкаям Душан-

нинг томга чиқишини тақиқлаб қўйган булар эди.

Душан дадаси билан бувиси ўртасидаги муносабатнинг чатоқлиги сабабини ҳали билмас эди. У фақат бувисининг ҳамма нарсадан норози эканлигини кўрарди — қишлоқдан буваси (дадасининг дадаси) келса, қовоғидан қор ёғиб, уйдан эшикка чиқмай қўярди, унинг тожик тилини бузиб гапириши ҳам бувига ёқмасди; бобонинг қишлоқдан бир сават анжир кўтариб келганини («шаҳар бозоридаям анжир тиқилиб ётибди, нима ҳожати бор эди шундан шунга кўтариб келиб») ва Душанга анжирни ейишни ўргата бошлаганини кўриб — анжирни икки паллага ажратиб, ичидаги «қуртини ўлдириш» учун бир-бирига ишқалар ва шундан кейин Душаннинг оғзига соларди («тавба, бизни уйда болалар тарбия кўрмай ўсяпти экан-да?») — хуноби чиқар, оқибатда, мана шу заҳар муносабат, дадасининг хешларини мазах қилишлар сиртдан қараганда кексалар инжиқлигига ўхшаса ва беғараз бўлиб туюлса ҳам, аслида энг муҳим нарсани — ойисининг дадасига турмушга чиққани нима учун ҳанузгача бувисига хушёрмаслигини Душандан сир тутарди.

Гап шундаки, Душаннинг марҳум бобоси ўз қадимий наслининг тобора заифлашиб кетаётгани, бинобарин, бўлғуси авлоднинг соғлом бўлиб туғилишига кафолот беролмаслигини айтиб, Душаннинг онасидан бошланувчи еттинчи пушти бегона, аммо соғлом авлод билан қовушишга муҳтож деб ҳисоблаган бўлса ҳам, бувиси бунинг ҳеч ҳожати йўқ деб ўйларди. Душаннинг бўлғуси онаси, чинданам нимжон ва касалманд бўлиб туғилган эди, бўйи етган пайтда унинг чехрасида ёшига яраша назокат ва нафосат белгилари ялт этиб кўзга ташланаркан, айни пайтда рангида қандайдир хасталик аломатлари ҳам аниқроқ намоён бўла бошлаган эдики, буни кўрган бобо оромини йўқотиб қўйган эди.

Бутун шаҳарда билимдон ва аслзода деб доврўқ қозонган уларнинг авлоди ҳеч қачон бошқа авлод билан қариндош тутинмай, ўз наслининг поклигини авайлаб сақлаб, одамларга аралашмай яшарди.

Энди эса, бу авлод табиат қучоғида соғлом бўлиб ўсган оддий қишлоқи одамлар насли билан қовушмаса йўқ бўлиб кетиши мумкиндек туюлди, шунда бобо Мўмин, ичидан чириган аслзодаларнинг биронтаси билан ҳам энди қариндош тутинмасликка, бинобарин, қизини қишлоқда туғилиб ўсган соғлом йигитга — ҳо у тожик бўлсин, ҳо ўзбек ёки қозоқ, бари бир — эрга беришга қатъий аҳд қилган эди. Агар шундай қилмаса, келажак наслим яшаш қо-

билиятига эга бўлмаган ақли заиф, хаста бўлиб туғилади, деб уйлаган эди.

Бу фикрини у қизига ҳам уқтирган эди, фақат буви буларнинг ҳаммасини майнавозчилик, телбалик деб ҳисобларди. Аслзодалар авлодидан бўлган қизининг эри оддий бир дурадгорнинг ўғли бўлишини у ҳеч ҳазм қила олмас эди. Лекин бобо, гарчи уят бўлса ҳам, ёр-биродарлари кўмагида қизи учун оддий меҳнаткаш оиласидан ўзи қайлиқ ахтара бошлади, ниҳоят шундай йигит топилди ҳам — у Омоннинг бўлғуси онаси ўқиётган институтнинг талабаси экан.

Ниҳоят, болаларнинг бўлғуси дадаси ичкуёв бўлиб кирди бу хонадонга. Бобо тунгич набира туғилгандан кейин узоқ яшамади, лекин Омоннинг хаёлчанлиги ва маъжус табиатлиги онасига ўхшаса ҳам, қолган ҳамма жиҳатдан, зуваласи пишиқлиги, чайирлиги билан ҳам отасига тортганлигини кўриб бобо кўп хурсанд бўлган эди. У Омонни жудаям яхши кўрар, кун бўйи қўлидан қўймас, кўпинча кечалари ҳам унинг бешигини ёнига олиб келиб ётар ва кечалари йиғлаб-нетиб қолгудек бўлса, ўзи бардош билан уни аллалаб ухлатарди. Омондан бошлаб оиланинг янги тармоғи бошланиши лозим эди, бунга имони комил бўлган бобо ёруғ жаҳондан, ўз авлодининг халоскори дунёга келганидан мамнун бўлиб кўз юмган бўлса керак...

Лекин буви ҳанузгача жаҳлидан тушмаган — куёвини ҳам, унинг қишлоқдан келувчи қариндош-уруғларини ҳам ҳеч чиқиштирмас, булар-бўлмасга тирноқ остидан кир қидириб, уларни қойий бошларди: «Неча марта айтдим сизга, анжир олиб келманг деб, бизнинг уйда ҳеч ким анжир емайди».

Ҳолбуки, бувининг анжир тўғрисида айтган гапи тўғри эмас эди. Чунки қишлоқлик бува қўлида саватча билан дарвозадан кириб улгурмасидан, Омон билан Душан унга ташланишиб, бўйнидан қучоқлаб ўпишишгандан ва бобонинг эркалашларидан кейин дарҳол саватча устидаги анжир баргларини олиб, мазза қилиб ёз неъматини — хушбўй анжирнинг ширасини оқизиб, ҳузур қилиб ейишга киришардилар.

Мана, ҳозир ҳам Душан чиққан том саҳнида қоқи қилиш учун териб қўйилган бинафшаранг анжирларнинг шираси оқиб ётарди; томнинг ҳаммаёғидан буғдой униб чиқиб, энди у саратоннинг офтобида сарғайиб қовжираб қолган эди. Баҳорда томда буғдой барра бўлиб ўсган пайтда, ҳозир Душан орқасидан қувиб чиққан бегона мушук мов

булиб, кечасию кундузи шу барра буғдой устида мош хонимлар билан гурпанглашиб уйнашганди.

Хуш, том бошига ким буғдой экибди? Уйдан чакка утмасин учун дадаси утган кузда бобоси билан бирга қишлоқдан сомон олиб келиб, томни сувашган эди; шу сомон орасида буғдой доналари бўлган бўлса эҳтимол.

Душан том саҳнида эзилиб ётган анжирларга қараб туриб, кўнглида шундай ҳиссиёт пайдо бўлди: гуё бу тоمنى кўчадан пана қилиб турган девор ортида азим туп ёввойи анжир дарахти бор-у, пишган меваларимни бирон жонзод келиб териб олармикин деган умид билан, кўзлари тўрт бўлиб узоқ фурсат кутган ва ниҳоят ҳеч ким келавермагандан кейин, пишиб етилган меваларини том саҳнига «тап-тап» ташлайверган — бу томни буғдойзор дала деб уйлаган бўлса керак-да у шўрлик.

Шу фикр Душаннинг кўнглига келиши билан, беихтиёр том бошида таққа тўхтаб қолди ва ўзи учун янги ҳисобланган оламни — теварак-атрофни, томни кўчадан тўсиб турган учта пастак деворни ва ҳовли ўртасидаги ҳозир отаси турган супанинг бир чеккасини бир-бир кўздан кечира бошлади.

Агар ҳозир Душан «анжир» деб юборса, шу заҳотиёқ бу томга ўз меваларини тўккан тасаввуридаги дарахт, дарҳол девор бошида қад кўтариб, ўз шохлари билан уни офтобдан пана қиладигандай туюларди. Ёки бўлмаса у дарахтнинг ҳаёлий тасвирини тўзонли ҳавода чизиши мумкин эди, унда ўша тасвир то қош қорайгунча унинг кўзи олдидан кетмаган бўларди.

— Туш пастга! — деб қичқирди пастдан дадаси.

Анжирларни босиб олмаслик учун қандай қадам қўйса экан? Анча-мунча анжир доналари гуж-гуж ўсган буғдой поялари орасига кириб кетган эди.

Душан оёқ остига қараб оҳиста қадам босаркан, буғдой орасидан битта танга топиб олди — бу унинг анжирларни босмай эҳтиёткорлик билан қадам қўйгани учун мукофот эди. Душан пул топганидан суюниб кетди ва уни липпасига қистириб, ҳовлига тушди. Пулнинг керакли нараса эканлигини энди у тушунарди, унинг билишича, танга пулларда қандайдир маъно ва сир мавжуд эди — чунки маҳалладаги новвой чол уларнинг ҳовлисига ҳар гал исеиқ нон кўтариб кирганида, бу сафар нечта нон олишларини билгиси келиб деразадан муралаб турган Душан онасининг нон эвазига танга пуллар берганини куради.

— Пул уйнама! Пулга мингта одамнинг қули теккан, улар орасида исқиртлари, касаллари ҳам бўлиши мум-

кин,— деб насиҳат қиларди бувиси ва ундаги пулга ўчликни даф қилиш учун ганчдан ясалган ичига пул солинадиган тошбақа олиб берган эди.

Тўғри, тангалар муттасил қиёфасини ўзгартириб, одамлар билан бирга яшайди, деб ўйларди у: бировларнинг оғилхонасига танга ҳукиз қиёфасида киради, бошқа бировларникига илон бўлиб кириб, каравотининг тагига кулча бўлиб ётиб олади — то ҳинди фақир келиб сеҳргар сурнайини чалиб уни ром қилиб ўзи билан олиб кетмагунча ётаверади; ҳали яқингинада ялтироқ танга бўлган пул бировларнинг кўйлаги ичига тиллақўнғиз бўлиб кириб, уни қитиқлай бошлайди. Мана шунинг учун ҳам у қўлига тушган тангани дарров олиб келиб тошбақа пулдонга ташларкан ва унинг тўймас қорнига танганинг жаранглаб тушганини эшитаркан, ўз кўнглида, ҳар хил жонивор ва буюмларни — ҳўкиз, бешик, илон ва ҳатто бувиси айтиб берган эртақлардан унга маълум бўлган жин ва девларни асирга олаётгандай ҳис қиларди ўзини.

Вола тошбақа пулдонни қулоғига тутиб силкитаркан, тангаларнинг шарақлашини завқланиб тингларди, унинг қийиқ оғзига тикилиб тангаларнинг сеҳр-жоду билан бошқа нарсага айланаётган пайтини кўришга уринарди, тошбақанинг қорни пулга тўладиган кунни сабрсизлик билан кутар — ана унда у пулдонни уриб синдириб, ичидаги пулга бувиси учун совға олишни орзу қиларди, лекин бунга, бувиси туғилган кунга, ҳали анча бор эди.

Унинг пулга ружу қўйишини бувиси хушкўрмаса ҳам («бизнинг уруғимизда ҳамма пулдан ҳазар қиларди, айшу ишрат ўрнига имонини саломат сақлашни ўйлашарди»), шунга қарамай ўзи, Душанга ёқмайдиган иш буюрган пайтларда ҳар гал унга мукофот тариқасида пул ваъда қилар эди. Аччиқ тугмача дори ичиш — бир танга, янги сотиб олиб келинган тор этикни кенгайтириш учун кийиб ҳовлини ўн марта айланиб чиқиш — икки танга,— бунақа баҳони Душаннинг ўзи қўйган эди, буви ҳам негадир бунга осонгина рози бўла қолиб, дарров қутисини очарди ва то қути Душан билан бувиси ўртасидаги савдо битимини маъқуллаб музикасини чалиб тугатгунча, бувиси ундан набирасининг ҳақини — чиройли майда чақа ё танга олиб болага узатарди.

Эҳтимол буви, қути билан олдиндан ўзаро битим тузган бўлгани учун, бу чақа ва тангаларни бари бир туғилган кунда яна ўзига қайтиб келишига ишонса керак, тошбақа пулдон-ку — у ҳам худди қутига ўхшаган нарса, демак, қутининг сирларидан бир қисмини ўз ичига олиб, то

уни синдиришмагунча ўзида сақлаши мумкин деб ўйласа керак. Фақат у, яъни буви танга ва чақаларнинг қутидан пулдонга кучиб ўтишган заҳоти буқага ёки тиллақўнғизга айланишини, чунки жонсиз совуқ танга бўлиб ётгандан кўра буқа бўлиб яшаш яхшироқ бўлишини билмас эди.

Энди Душанни койиб хафа қилишган пайтларда у, ҳамма мени аямасликка ва ёнимни олмасликка келишиб олган, деб ўйлар, шунда у ўз пулдонининг олдига югурар (уни одатда шкаф тагига қўйиб, устига ёстикча бостириб беркитиб қўярди), уни ҳовлига олиб чиқар ва, ҳозир тошбақа ичидан буқани чиқариб юбораман... ҳаммаёққа югуриб, бутун боғчани пайҳон қилиб ташлайди, ҳўрозни чиқарсам, ошхонадаги ҳамма дон-дунни чўқилаб еб қўяди, деб айтарди ўзича... Душан ёнини олиб ҳамиша ҳимоя қиладиган жудаям қадрдон ошнаси бўлиши кераклигини тушунарди, шунинг учун ҳам. ана шу пулдон унга ўша ўзи армон қилган ошна вазифасини ўтай бошлади.

Лекин бир оздан сўнг жаҳлидан тушиб, пулдонини яна ўзининг аввалги ўрнига — шкаф тагига яшириб қўяркан, ўзи эса ҳовлидаги кўнглига ўтирмаган шумшук ерлардан — каравот ва самбитгул ўтқазилган ёғоч пақир ёнидан ғизиллаб ўтиб кетиб, очиқ қопқа ёнидаги масканига бориб ўтираркан, ўзини дунёда ёлғиз, ғариб ҳис қиларди, катталар бўлишса унинг келиб ўзларидан узр сўрашини кутардилар.

Улар тўрт киши (Омон ҳам катталар тарафда), у эса ёлғиз ўзи эди, жанжал бўлган пайтларда оила шу тарзда — кўпчилик ва озчиликка бўлинарди. Кўпчиликни ташкил қилганлар бир-бирларини қўллаб-қувватлардилар, шунинг учун ҳам улар орада сўз қочганлигини гўё пайқамагандай кўринардилар, чунки Душан уларнинг бояги-боягидай бир-бирлари билан чақчақлашиб, бепарво юришганини кўраркан, уларнинг ташвиши Душанга шу қадар арзимас ва кўримсиздай туюлардики, уни ўзаро бўлашиб олишни ўйлашмас, аксинча, ўз бошларидан соқит қилиб, унутиб юборишга уринишарди, ҳолбуки, Душаннинг зиммасига тушган аччиқ қайғунинг бирон қисмини ҳеч кимга улашиб бўлмас эди, натижада бу ғам уни жудаям бахтсиз қилиб, яккалаб қўярди...

«Яккаман», деди у ўзига-ўзи ва бу сўз унинг дилини жароҳатлади, уни ўз хилватгоҳига бошлаб борди, ҳамманинг юзини ундан тескари ўгирди; бу яккалик ўз тапғаларини санаганда чизган 1 (тожикча як) рақами эмас, балки жуда катта куч ва қудратга эга бўлган сўз эди; 1 қуруқ бир товуш; маъносиз чизик, совуқ бир рақам эди —

мана шунинг учун бола рақамларни эслаб қолмас ва кераксиз бўлгани учун уларни ёмон кўрарди. Дарҳақиқат, 1 рақами билан «якка» сўзи ўртасида қандай фарқ бор, гарчи уларнинг замирида бир хилдаги махфий маъно бўлса ҳам, Душаннинг назарида, «якка» сўзини фақат тирикларга ишлатишади-ю, тирик жонзод ўлгандан кейин ўша сўз ўрнида рақам ишлатилади.

У шундай фикрга берилиб, атрофида содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузата бошлади. — қўшнилاردан биронтаси кириб унга олма узатгудай бўлса, албатта: «Тортинма, яна ол, жуфт бўлсин», — дерди, ё бўлмаса, нонвой саватда нон кўтариб кирганида бувисига: «Қайтимга майдам йўқ эди, тўтамулло, бу гал иккита эмас, тўртта ола қолинг...» — дерди, учта эмас, тўртта нон, битта эмас, иккита олма.

Ҳамма нарса жуфт бўлиши керак, ҳеч бир нарса, на совға қилинган, на харид қилинган нарса якка-ёлғиз, тоқ бўлмаслиги керак, аммо ўлик ва нодаркор нарсалар ўша ўзларининг 1 рақамлари билан кифояланаверадилар. Самбитгул бутаси ўздан иккита новда чиқарди-ю, ўзи ёғоч пақир ичидаги тупроққа қўмилиб, бош кўтармай қолди, бир жуфт мусича ташналикдан тумшуқларини очганча сув ахтариб ошхонага доим бирга учиб кирардилар, томда қоқи бўлиб ётган анжир доналарини ҳам санаб чиқилса, уларнинг ҳам жуфт-жуфт бўлиб ётишганига шохид бўлиш мумкин — биронта ҳам анжир ёлғиз ўзи ётганини кўриб бўлмайди... Демак, якка дегани — бу хафа қилинган, хўрланган, сунъий равишда ёлғизлатиб қўйилган одам, лекин Душан ҳам ўзини бувисига қўшиб бир жуфт деб ҳисобларди, чунки оила аъзолари ичида у билан энг кўп бўладиган одам шу бувиси эди.

Бувисининг дадасига адоват билан қарашини эса, у икковлари ўртасидаги жуфтлик риштасини узишга интилувчи учинчи шахсга қарши қаршилиқ деб, яъни дадасининг у билан дўстлашиб олиб бувисини ёлғизлатиб қўйишга интилиши деб тушунар эдики, агар шу ҳол юз бергудек бўлса, бувиси ғамга ботиб ўлиб қолиши турган гап эди — чунки Душан исмлар сири ва уларнинг таъбирланиши ҳақида биринчи марта эшитган ўша оқшомдан буён, дунёга келганидан кейин бу хонадонда кимдир ўз исми ва ўрнини унга бериб, ўзи оламдан ўтиши ва бу одам албатта бувиси бўлиши кераклиги ҳақида ўйларди ва бу ўй унга ҳеч ором бермас эди.

Бувиси китоб ўқиб бераётган пайтларда бола энди кўпинча унинг нима ўқийётганига бирдан тушунмай қолар,

паришон кузлари бувисининг қони қочиб бўзарган чех-расига тикиларкан, одамзод улими олдидан қанақа қиёфада бўлишини тасаввур қилишга уринарди. Чунки бола бувисининг улими олдидан чекадиган азобларини енгиллаштириш учун унга қандай қилиб ва нима билан бўлмасин ёрдамлашишни ва шу билан унинг яна бир оз вақт яшашига имкон туғдиришни жудаям хоҳлардики, айнан ўшандай шароитда бувиси ўз ҳаёт сирини, Душаннинг тушунишича, ҳеч ким мукамал била олмайдиган ҳаёт сирини севиқли набирасига айтиб улгурган бўларди, оқибатда шу сирни билган кундан бошлаб унинг вужудида икки киши — ўзи ва сирини баён қилган бувиси сиймоси умрбод яшаган бўларди.

Бу воқеа кузда, узум пишиғи пайтида юз берса-ку — ҳай-ҳай, агар Душан узум шарбати билан бувисининг лабини ҳўллашга улгурса, унда бувиси яна бир оз вақт яшаб, лабларига жон кирган ва охириги видолашув сўзларини айтиб, рози-ризолик сўрашга улгурган бўларди. Йўқ, бувиси койиганлиги, хафа қилганлиги, рухсат бермаганлиги учун ундан узр сўрамас — бу жудаям одми ва жайдари гапларда ҳеч қандай ҳаёт сирини йўқ эди; бувиси диққатга лойиқ бўлган қандайдир муҳим нарсалар учун, эҳтимолки, кўчаларда тупроқ кечгани, токнинг шўра чиқарганини томоша қилгани, калтакесакнинг майда чивин тутиб еганини, самбитгулнинг гуллашини кузатгани учун, ҳаёт унга мана шундай мангу ва боқий нарсаларни намоиш қилган бўлишига қарамай, у ўзининг мана шу мангу нарсаларга, мангуликка панд бериб қўйиб, ҳаётга вақтинчалик келиб-кетувчи, ғурусиз ва шуурсиз тасодикий меҳмонгина бўлгани учун — мана шуларнинг ҳаммаси учун рози-ризолик сўраган бўларди. Кунлардан бирида бувиси ўзининг ёруғ жаҳонга келиши маъносини шундай изоҳлаган эди унга, Душан эса унинг биронта ҳам гапига тушунмай, яна бадтарроқ қўрқиб кетган эди, ўшандан буён муттасил бувисидан хавотир олгани-олган эди.

Бундан ташқари, бувиси билан иккови бир жуфт эдики, у улгандан кейин ўзининг яккаланиб қолишини халитдан ҳис қила бошлаган эди. Бу гўдакларча қўрқуви айниқса кечқурунлари зўрайиб, алламаҳалгача ухлолмай ётарди. Ниҳоят кузи уйқуга кетганда эса (энди у катта бўлиб қолган, шунга кура, бешикда эмас, бир вақтлар оралиқ хонага қўйиб қўйилган каравотчани уйга олиб кириб, болани шунда ухлатишар эди), у тушуниб бўлмайдиган жуда аломат тушлар, чунончи, ўз аждодларининг қадимги ҳаётидан қандайдир лавҳаларни кўрарди. Уйқусида уни

қадим утмишда бўлиб ўтган ов манзаралари — юксак қояларда елдек югуриб бораётган буғу, уни ўқ отиб ўлдириш ё бирдан лоп этиб пайдо бўлувчи барханлар ва кучманчиларнинг туялари, гулханлар безовта қиларди, бошқа пайтларда эса у — қўрқинчли, дағал башараларни, қадимги авлод-аждоди яшаган зим-зиё теран ғорларни туш кўрарди. Буларнинг ҳаммаси — қадимги аجدодлардан, уларнинг хотиралари ва кўрган тушлари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келиб, боланинг вужудида гўё бир меросдек маскан кўрган, аммо унинг ўзи ҳеч қачон кўрмаган ва эшитмаган бу воқеа ҳамда манзаралар — вақти-вақти билан Душаннинг хотирасида тикланардиларки, энди у мазкур хотираларни келгусида ўз бошидан кечирадиган воқеалар билан бойитиб, аجدодлар тарихини шу йўсинда бойитган ҳолда, умрининг охирида келгуси авлодга — кучманчилар насаби билан иморат қурувчилар насабининг (дадаси шу насадан эди) бир-бирига пайванд бўлганидан вужудга келган хотиралари янада бойиган янги авлодга узатмоғи лозим эди.

Авлод хотираси фақат Душаннигина безовта қилмасди, оила аъзолари кўпинча якшанба кунлари ҳовлидаги супада давра қуриб ўтириб, ўз кўрган тушларини айта бошларди, бу йнғин ўз-ўзидан вужудга келарди, масалан, энг аввал буви келиб ўтирар ва Омонни чақирарди:

— Қани, айтиб бер-чи, бугун нима тушлар кўрдинг?— Бу гапни эшитиб, нафақат Омон, шунингдек уйда қилаётган ишларини ташлаб, дадаси билан ойиси ҳам чиқиб келишардики, гўё ҳаммаларини оилавий маросимга таклиф қилишгандай, гўё оиланинг эсон-омонлиги мазкур маросимнинг бошланиши ва қандай тугалланишига боғлиқ бўлгандай, ҳаммада ўз тушини айтиб, ундан фориг бўлиш, бошқаларнинг кўрган тушини тинглаш истаги вужудга келарди.

Дадаси тунда босинқираб бир неча марта уйғониб кетгани, аммо кўзи яна уйқуга кетиши билан ўша кўраётган туши келгай жойидан давом этгани ҳақида сўзларди: эмиш унинг аждодини қатл этишаётганмиш, қотил ҳам шубҳасиз, ўлдирилаётганнинг қариндошимиш; зеро, қадимги аждодларнинг бу сири авлоддан-авлодга бегона одам орқали ўтмас экан, демак, у чоғда дадасининг тушига ҳам кирмаган бўларкан: буни қарангки, қотил ўз кўзи билан кўрган ўша манзара орадан шунча вақт ўтгандан кейин дадасининг тушида намоён бўлиб, уни гувоҳликка ундабди.

— Нима, мен дунёга келмасимдан олдин уругимизда

содир бўлган жиноятга менинг виждоним жавобгар эканми,— деб илова қилди ота ўз тушини баён қилиб бўлгач, лекин тингловчилар ўтмишдаги аждодлар даъватини тўғри топишди шекилли, ҳеч ким унга таскин беришга уришиб ҳам кўрмади.

Бувининг тушига эса хийла осуда нарсалар кирибди: эмиш бир қизалоқ йўқолиб қолган қўйини қидириб қоялар орасида тентиб юрганмиш, унинг отаси эса том бошига чиқиб олиб қизини узоқдан кузатаётганмиш ва негадир ҳадеб учига от ёли боғланган узун ходани ҳавода силкирмиш. Буви шу тушини сўзлаб ўтириб, сал кўзёш ҳам қилиб олди, чунки ўша қизча унинг онаси эканлигига ва бу воқеа ҳали у дунёга келмасдан олдин юз берганлигига бувининг ишончи комил эди.

— Тавба,— дерди у,— ахир бари бир ҳамма одам ҳам ўз хатоларидан сабоқ олиб, ўзича ҳаёт кечирази-ку, аждодларнинг кўрган-кечирганлари мисоли ўлик ва нокирак нарсасидек бир чеккада қолаверади. Улар фақат тушга кириши мумкин, демакки, улардан ҳеч нима олиб бўлмайди. Башарти мен қишлоқда туғилиб ўсган бўлганимда, менинг ҳам қўйим йўқолиб қолган бўлиши ва мен ҳам онамга ўхшаб уни тоғу тошларда қидирган бўлишим мумкин эди, ҳолбуки, менинг хобимда кўринган онамнинг саргузашти мени эҳтиёткор бўлишга ўргатиши лозим эди... Чамаси, ҳар кимнинг қўйи ҳар хил йўсинда йўқолса керак.

— Бунақа турмуш ўлгудек шумшук ва зерикарли бўлган бўларди,— деб бувининг фикрига қўшилишди дадаси,— агар ҳамма бир-бирининг босган изидан юриб кун кечирадиган бўлса, демоқчиман. Ҳар бир инсон янги ва сирли сўқмоқларни босиб ўтишни хоҳлайди, одамзод қисмати ҳам ана шундан иборат.

У ўтирганларнинг чеҳрасига назар ташлади ва тушни таъбирлашдан бошланган бу оддий суҳбатнинг совуққина тугаганини ҳис қилди — мана шунинг учун ҳам болаларнинг дадасини ҳеч ким қўллаб-қувватламади, унинг ўзи ҳам шундай якундан хурсанддек кўринарди, чунки ҳамма сукутга толиши билан, у ўтирган ўрнида каравот тагига қўл чўзиб, у ерда салқинлатиб қўйилган қовунни олди ва уни шапатилаб, салмоқлаб кўра бошлади.

Буви қовунни ҳушкўрмас эди, шунинг учун унинг олдига бир патнис зарғалдоқ шафтоли олиб келиб қўйишди.

Қўпинча, якшанба кунлари, шунақа понушта пайтида биронта «қайнонаси суйган» меҳмон келиб қоларди, шунда ҳамма ўридан туриб кетар, меҳмонга атаб янги кўрпача-

лар ёзилар ва «хуш келибсиз» дейишиб, уни турга таклиф қилишарди.

— Хушвақт бўлинглар, хушвақт бўлинглар,— дерди меҳмон қулини куксига қўйиб.

Шунда меҳмон, ҳеч овора бўлманглар, бир зумгагина тутамуллодан ҳол-аҳвол сурагани кирувдим, дейишига қарамай, пахта гулли чиройли чойнакка янгитдан чой дамлаб келишар, бошқатдан дастурхон ёзишиб, ҳар турли ширинликлар қатори битта ликопчада новвот ҳам қўйишар эдики, бу — эски таомил бўйича, келган меҳмоннинг тили ширин бўлсин, деган маънони билдирарди.

Меҳмон ҳам (одатда, бу одам кампир буvidан хабар олгани кирган қушни чол бўларди) новвотдан бир чақмоғини оғзига ташлаб, «тилини ширин қилиб» олгач, даврада ўтирганларнинг ҳаммаси билан бир-бир сурашиб чиқарди.

Ана шундан кейин у ўз соғлиғидан шикоят қилиш йўли билан бу хонадон аҳлининг тинчлик-хотиржамлигидан хабардор бўлишга киришардики, бу усулни бувининг таъбирича «қуш тили»да суҳбатлашиш дейиларди.

— Бугун эрталаб, десангиз, зўрга қаддимни кўтардим, белим қотиб қолибди, эгачи,— деб зорланарди меҳмон,— қарилик қўрсин, ёш бир ерга бориб қолгандан кейин қийин экан-да. Кириб сизни кўриб чиқишни кеча кўнглимга тугиб қўйган эдим — кўчага чиқа олмай қоламанми, деб ҳам қўрқдим.

Шундан кейин буви чолнинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, унинг гапини тескарасини айтар ва ўз соғлиғидан шикоят қилишга тушарди:

— Вой, нима деяпсиз, айланай... Кўринишингиз нақ қирчиллама йигитдай... Мана, мени мазам йўқ. Кеча купбўйи бошимни кутаролмай ерпарчин бўлиб ётдим, урнимдан турдим дегунча бошим айланади денг... Қариб қолдим чоғи...

— Э, қўйсангиз-чи, эгачи, қаридим деб зорланиш уят сизга, мана мени қари чол деса бўлади, шартим кетиб, партим қолган — бир кам саксонга кирдим,— деб жавоб қиларди қушни чол.— Мана, қаранг, қўлларим қалтирайдиган бўлиб қолди, чакакларим чўкиб, кўзларим хиралашиб қоляпти, ойнага қарасам кўзимнинг оқлари сарғайиб кетибди,— деб у юзи, қўли ва кўзларини кампирга кўрсатарди.

Шунда буви унга маслаҳат беришга киришарди:

— Сиз илон пўстини ивитиб кўзингизга босиб кўрмадингизми? Нафи тегади. Ўтган йили баҳорда менинг ҳам